

Гендер зўравонликка жавобан тиббий хизматлар тақдим этишнинг

СТАНДАРТ ОПЕРАЦИОН ИШ ТАРТИБЛАРИ



Ушбу стандарт операцион иш тартибларидаги маълумотлар гендер зўравонлик жабрланувчиларига тиббий хизмат кўрсатувчи ходимлар учун ишлаб чиқилган

Ундан тиббий хизматлар кўрсатувчи хусусий ва давлат корхоналари ходимлари ҳам фойдаланиши мумкин

Гендер зўравонликка
жавобан тиббий хизматлар
тақдим этишнинг

СТАНДАРТ
ОПЕРАЦИОН ИШ
ТАРТИБЛАРИ

Baktria press

Тошкент –2021

УЎК 006.032:342.841.6:61

КБК 67.408ц

A 15

Абдусаматова Б. Э., Хасанова Д. А.

Гендер зўравонликка жавобан тиббий хизматлар тақдим этишнинг стандарт операцион иш тартиблари [Матн]: йўриқнома / Б. Э. Абдусаматова, Д. А. Хасанова. — Тошкент: Baktria press, 2021. — 48 б.

Мазкур «Гендер асосидаги зўравонликка жавобан асосий тиббий хизматларни тақдим этишнинг стандарт операцион иш тартиблари» Репродуктив саломатликни сақлаш бўйича Шарқий Европа институтининг (ШЕРСИ), Руминия (Бош координатор: Ионела Хорга) мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган материалларга асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг миллий контекстига мослаштирилган.

«Гендер зўравонликка жавобан асосий тиббий хизматларни тақдим этишнинг стандарт операцион иш тартиблари» Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича Комиссиясининг 2020 йил, 16 июль 4-сонли баёни (17–18-бандлар) билан амалиётга тадбиқ қилиш учун тасдиқланган.

Ҳужжатни адаптацияси бўйича мутахассислар:

Абдусаматова Барно Эркиновна — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи;

Хасанова Дилфуза Абдухамидовна — ТХКМРМ Оилавий тиббиёт касб касалликлари курси билан кафедраси доценти, PhD.

Ҳужжат UNFPA/БМТнинг Аҳолишунослик Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан нашр этилган, 2021 й.

Ушбу нашрда акс эттирилган кўрсатма ва ёндашувлар ҳужжатни адаптацияси бўйича мутахассисларга тегишли ва UNFPA, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибидаги ташкилотларнинг муносабатини акс эттирмаслиги мумкин

Мундарижа

| | |
|----------------------|---|
| АТАМАЛАР ЛУҒАТИ..... | 4 |
|----------------------|---|

| | |
|--------------------|---|
| ҚИСҚАРТМАЛАР | 8 |
|--------------------|---|

| | |
|---|----------|
| 1. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ИДОРАЛАРАРО ЖАВОБ ҚАЙТАРИШНИНГ АСОСЛАРИ | 9 |
|---|----------|

| | |
|--|----|
| 1.1. Стандарт операцион иш тартибларининг мақсад ва вазифалари | 10 |
| 1.2. Қўлланилиши | 11 |
| 1.3. Гендер зўравонликка қарши чора кўришнинг асосий принциплари..... | 11 |
| 1.3.1. Гендер зўравонликка қарши идоралараро чора кўришнинг асосий принциплари..... | 11 |
| 1.3.2. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга хизмат кўрсатиш принциплари ва стандартлари..... | 12 |
| 1.4. Гендер зўравонликни бошидан кечирганликни/кечирилаётганлигини кўрсатувчи белгилар ва хулқ-атвор..... | 13 |
| 1.4.1. Гендер зўравонликни бошидан кечирганликни/кечираётганликни кўрсатувчи белгилар..... | 14 |
| 1.4.2. Жабрланувчининг гендер зўравонликни бошдан кечирганлигини/ кечираётганлигини кўрсатувчи хулқ-атвор | 14 |
| 1.5. Гендер зўравонликдан жабрланувчи билан қандай муомала қилиш лозим | 14 |

| | |
|---|-----------|
| 2. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЖАБРЛАНУВЧИСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА СТАНДАРТ ОПЕРАЦИОН ИШ ТАРТИБЛАРИ | 16 |
|---|-----------|

| | |
|---|----|
| 2.1. Гендер зўравонлик ҳолатларини ва жабрланувчини аниқлаш | 16 |
| 2.2. Гендер зўравонлик ҳолатларини баҳолаш..... | 17 |
| 2.3. Хизмат кўрсатиш/Аралашув..... | 18 |
| 2.3.1. Даствлабки ёрдам..... | 18 |
| 2.3.2. Анамнез ва текширув | 18 |
| 2.3.3. Жароҳатларни ва кечиктириб бўлмас тиббий муаммоларни клиник даволаш..... | 19 |
| 2.3.4. Психологик/руҳий саломатликни баҳолаш ва бошқариш..... | 19 |
| 2.3.5. Далил-исботлар тўплаш..... | 20 |
| 2.3.6. Хавфларни баҳолаш ва бошқариш | 20 |
| 2.4. Тиббий хизмат кўрсатувчилар томонидан гендер зўравонликни ҳужжатлаштириш | 21 |
| 2.5. Қайта йўналтириш/бошқа хизмат тақдим қилувчига йўналтириш | 22 |

| | |
|--|-----------|
| МАВЗУГА ОИД РЕСУРСЛАР/ҲУЖЖАТЛАР | 24 |
|--|-----------|

| | |
|--|-----------|
| 1-илова. Даствлабки скрининг учун хизмат тақдим этувчи томонидан гендер зўравонлик инцидентини/ҳодисасини рўйхатга олиш шакли | 26 |
| 2-илова. Гендер зўравонлик даражаси идентификациясининг жадвали..... | 35 |
| 3-илова. Гендер асосидаги зўравонлик жабрланувчилари учун таянч хизматларни кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатувчилар учун эслатма | 38 |
| 4-илова. Жинсий (интим) шериклари ёки бошқа оила аъзолари томонидан зўравонликка учраган хотин-қизлар учун шахсий хавфсизлик режаси (шаблон)..... | 45 |
| 5-илова. Гендер зўравонлик жабрланувчиларини бошқа хизмат тақдим қилувчиларга йўналтириш мумкин бўлган ташкилот ва муассасалар каталоги/ маълумотлар базаси | 46 |

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

Зўравонлик — шахсга/шахслар гуруҳига нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Тазйиқ — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик — бу хотин-қизларга жисмоний, жинсий ёки руҳий зарарзиён етказадиган ёки азобланишига олиб келадиган, уни азоблайдиган, шу жумладан, ҳам жамоат олдида ёки ҳам шахсий ҳаётда бундай ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиб бўладиган зўравонлик ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган гендерга зўравонлик ҳаракати.

Гендер зўравонлик — хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг асосда ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишини жиддий чекловчи камситиш шакли (БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси (CEDAW), Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги 19-сонли умумий тавсиялар, 1-банд).

Гендер зўравонлик/тазйиқдан жабрланувчи (гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи) — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрлангангани, шу жумладан 18 ёшга тўлмаган, аёл жинсидаги шахс.

Зўравонликни содир этувчи шахс — бошқа шахсга нисбатан зўравонлик хатти-ҳаракатини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлайдиган ёки унинг иродасига қарши бошқача тарзда суиистеъмолликлар содир этувчи шахс, гуруҳ ёхуд ташкилот. (Гендер зўравонлик бўйича гуманитар операцияларнинг асосий принциплари: фавқулудда вазиятларда жинсий зўравонликнинг олдини олиш ва унга жавоб чораларини кўриш).

Оиладаги зўравонлик — бу оила аъзоси бўлган шахс томонидан уйда ёки жамоат жойида содир этилиши мумкин бўлган жисмоний, руҳий, иқтисодий, жинсий зўравонлик ҳаракатларининг барчаси ички ишлар органлари ходими ички ишлар органлари ходими.

Вояга етмаганларнинг никоҳи — ўғил болалар ва қиз болалар учун қонун билан чекланган ёшгача расмий ёки норасмий никоҳ. Одатда, бу ҳолатлардан қизлар кўпроқ азият чекади (ЮНИСЕФ, Вояга етмаганларнинг никоҳлари, 2012).

Иш жойи — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой.

Жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик.

Иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Руҳий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга туҳмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, кадр-қимматини камситиш, шунингдек, уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

Жинсий шерик — жинсий ҳаётдаги шериклар, улар ўртасидаги муносабатлар расмий (рўйхатдан ўтказилган ёки фуқаролик никоҳида яшайдиган эр-хотинлар) ёки норасмий (ошиқ-маъшуқлар ёки тасодифий жинсий алоқа) бўлиши мумкин.

Жинсий шерик томонидан зўравонлик — бу бутун дунёдаги аёллар бошидан ўтказадиган зўравонликнинг энг кенг тарқалган зўравонлик шакли бўлиб, у ҳозирги вақтдаги ёки собиқ жинсий шериги томонидан аёлларга ва ўсмир қизларга уларнинг розилигисиз қўлланиладиган жинсий, руҳий ва жисмоний хусусиятларга эга қатор мажбурлаш ҳаракатларидан иборат.

Жинсий таҳқирлаш/шилқимлик — гендер зўравонликка учраган шахс билан қандай муносабатда эканлигидан қатъи назар ҳар қандай шахс томонидан ҳар қандай ҳолатда, шу жумладан уйдан ташқарида ва иш жойида мажбурлаб содир этилган ҳар қандай шахвоний ҳаракат, жинсий алоқага киришишга уриниш, номақбул шахвоний изоҳлаш ёки хушомадгўйлик қилиш ёхуд трафик ҳаракатлари ёки бошқача тарздаги шахвоний ҳаракатлар (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2002, Зўравонлик ва саломатлик ҳақида бутунжаҳон маърузаси).

Зўрлаш/зўрлашга уриниш — жисмоний куч ёки бошқа йўллар билан мажбурлаш орқали эркак жинсий олатини, шунингдек тананинг бошқа қисмлари ёки буюм билан ҳатто бироз бўлса ҳам қинга ёки анусга киритиш. Бундай ҳаракатлар жинсий зўрлашга уриниш ҳисобланади (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), 2002 йил, Зўравонлик ва саломатлик ҳақида бутунжаҳон маърузаси).

Одам савдоси — одамларга таҳдид қилиш, куч ишлатиш ёки мажбурлашнинг бошқа шакллари, жумладан, ўғирлаш, фирибгарлик, алдов, ваколатни суиистеъмол қилиш ёки лавозимдан фойдаланиш ёки пора бериш орқали, бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун одамларни ишга олиш, ташиш, топшириш, яшириш ёки эксплуатация қилиш. Эксплуатация, ҳеч бўлмаганда, бошқа шахсларни фоҳишабозлик ёки жинсий эксплуатация қилишнинг бошқа шаклларига мажбурлаш, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки шунга ўхшаш урф-одатлар, эркисизлик ёхуд зўрлик йўли билан одамни ўз ички органларидан маҳрум қилишни ўз ичига олади (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш Конвенцияси томонидан тасдиқланган Одам савдосига қарши курашиш ва ундан огоҳлантириш бўйича Баённома БМТ 55/25/15 ноябрь/2000).

Жинсий эксплуатация — шахвоний мақсадда ҳолатнинг заифлигидан, ҳукмронлик ёки ишонччи, шу жумладан, бироқ бу билан чекланмасдан бошқа инсонни жинсий эксплуатациясидан пулли, ижтимоий ва сиёсий фойда олишда ҳар қандай суиистеъмол ёки суиистеъмолликка уриниб кўриш. (БМТ Бош котибининг жинсий эксплуатация қилиш ва таҳқирланишдан ҳимоя қилиш бўйича бюллетени (PSEA) (ST/SGB/2003/13).

Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими.

Гендер зўравонлик жабрланувчисига тақдим этиладиган асосий хизматлар — хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бошдан кечираётган ҳар қандай аёл, қиз ёки боланинг ҳуқуқлари, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун минимал даражада талаб қилинадиган хизматларнинг асосий тўплами. Гарчи асосий хизматлар ҳар бир мамлакат ёки турли жойларда бир хил тарзда тақдим этилмаса-да, улар соғлиқни сақлаш, психологик қўллаб-қувватлаш, ижтимоий таъминот ва фаровонлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи каби давлат ташкилотларнинг мутахассисларни хизматлари сингари универсал хизматлар комбинациясини ўз ичига олади.

Қайта йўналтириш — гендер зўравонлик жабрланувчисининг ўз иши хусусида индивидуал мутахассис ёки муассаса билан алоқага кириш жараёни ҳамда мутахассислар ёки муассасаларнинг жабрланувчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъминлаш мақсадида биргаликда мулоқот қилиш ва биргаликда ишлаш жараёни саналади. Қайта йўналтириш тармоғидаги ҳамкорлар, одатда, турли давлат идоралари, хотин-қизлар ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқаларни ўз ичига олади (ЮНФПА 2010).

Қайта йўналтириш тизими — гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларнинг ҳимоясини таъминлаш ва ёрдам бериш, уларнинг тўлиқ тикланишида ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришда, гендер зўравонликнинг олдини олиш ва зўравонликни содир этган шахснинг таъқиб

қилиниши каби умумий мақсадларга эга бўлган, ҳамкорлик тармоғида пухта аниқлаштирилган ва аниқ белгиланган (айрим ҳолларда бир-бирини ўрнини тўлдирувчи) қайд этилган мажбуриятлар ва ваколатларга эга бўлган турли объектларни бирлаштирадиган мажмуавий институционал база. Қайта йўналтириш механизмлари самарали ўзаро алоқалар асосида ишлайди ҳамда аниқ ва оддий изчил қадамлардан иборат аниқ белгиланган йўллар ва иш тартибларни ўрнатадилар. (ЮНФПА 2010).

Гендер зўравонлик ҳодисалари ҳақида ҳисобдорлик — бир хизматлар тақдим этувчи томонидан бошқа хизматлар тақдим этувчиларга гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчини ошкор этиш; қайта йўналтириш жараёнида гендер зўравонлик ҳодисаси ҳақидаги маълумотнинг бошқа муассаса/ташкилот билан алмашинуви. Гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи розилик ва алмашинув учун маълумотлар қўламини белгилаб бергандагина озгина истиснолар билан ҳисобдорлик амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматини тақдим этувчилар — давлат/ҳукумат хизматчиси, прокуратура, ички ишлар органларининг ходими, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи, суд маъмурияти, адвокат, адвокат ёрдамчиси, гендер зўравонлик бошидан кечирган жабрланувчига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг ходимлари.

Тиббий хизмат тақдим этувчилар — мунтазам равишда тиббий хизматларни тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс. Индивидуал тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт, тиббий-санитар ходими ёки бошқа соғлиқни сақлаш бўйича мутахассис ёки соғлиқни сақлаш масалалари борасида малакага эга бирон-бир ўқитилган шахс бўлиши мумкин. Тиббий хизматлар тақдим этувчи муассасаларга касалхоналар, клиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, Репродуктив саломатлик маркази, перинатал марказлар, акушерлик ва гинекология, травматология, шошилиш тиббий ёрдам марказлари ва бошқа хизмат кўрсатиш пунктлари киради. Бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатувчилар таркибига тиббиёт ҳамширалари, доялар, оилавий шифокорлар ва бошқа мутахассислар киради. (ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари глоссарийидаги таърифлар).

Психологик хизмат тақдим этувчилар — амалий психология соҳасида махсус тайёргарликка эга бўлган ва мунтазам равишда психологик хизматлар тақдим этувчи жисмоний шахс ёки муассаса. Якка тартибдаги психологик хизмат тақдим этувчи бўлиб, психолог-маслаҳатчи, психотерапевт ёки инқирозли вазиятларда хотин-қизларга ёрдам бериш масалаларида малакага эга бўлган бирон-бир махсус ўқитилган шахс.

Ижтимоий хизмат тақдим этувчилар — гендер зўравонлик жабрланувчиларнинг (ва уларнинг оиласи) оғир вазиятлардан чиқиб кетиши, маргинализацияси ва ижтимоий четланишларининг олдини олиш мақсадида уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини таъминлайдиган давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти субъектлари, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари.

Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Инқироз маркази/гендер зўравонлик жабрланувчилари учун реабилитация маркази — оғир турмуш шароитида бўлган хотин-қизларга (ва уларнинг фарзандларига), шу жумладан, турли шакллардаги гендер зўравонликка дучор бўлганлар ёки зўравонлик остига тушиш хавфи юқори бўлган шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга мўлжалланган давлат ёки хусусий муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари.

Шелтер/бошпана — гендер зўравонлик барча кўринишларидан қутулмоқчи булган хотин-қизларнинг (уларни фарзандларини) ҳимоялаш мақсадида кўпинча давлат муассасалари ёки жамоатчилик ташкилотлари негизида ташкил этилган вақтинчалик яшаш жойи.

Кейс-менежмент (ёки ишни бошқариш) — мажмуавий хизматларни тақдим этишнинг тан олинган усули, бунда гендер зўравонлик жабрланувчиси инқирозли вазиятда муаммолар ечилишига ёрдам бериш мажбуриятига эга бўлган қўллаб-қувватлаш хизматларининг диққат марказига жойлаштирилади. Бунда эҳтиёжларни баҳолаш, режалаштириш, хизматларни тақдим этиш ва мувофиқлаштириш, эришилган ижобий ўзгаришларни баҳолаш каби кейс-менежмент босқичларининг изчиллигини сақлаш мажбурий ҳисобланади ва у босқичлар қўллаб-қувватлаш хизмати ходимлари ҳамда гендер зўравонлик жабрланувчиси билан биргаликда олиб борилади.

Виктимизация (лот. victim — қурбон, жабрланувчи) — жиноий тажовузкорлик жабрланувчисига айлан-тириш жараёни ёки якуний натижаси. Виктимизацияга жиноят содир этилган вақтда бошланадиган жараён сифатида қаралади. Юз берган воқеада “жабрланувчини айблашга” йўл қўйиш мумкин эмас.

ЖССТ таърифида кўра **суд-тиббий далиллардан** “фақат судда фойдаланиш мақсадида ҳужжатлаштирилган қўшимча ва аногенитал жароҳатлар ҳамда эмоционал ҳолат, шунингдек жабрланувчи шахснинг танаси ёки

кийимидан олинган намуна” сифатида фойдаланилади. “Бундай далиллар сўлак, маний, соч толаси, қов соҳасида ўсадиган юнг, қон, сийдик, тола, бегона ашё ва тупроқдан иборат бўлади.

Аутоагрессия — бу одам томонидан ўзига нисбатан ноҳўя ҳаракатларнинг амалга оширилиши. Ноҳўя ҳаракатлар деганда ўз жонига қасд қилиш, жароҳат етказиш, алкоголизм, гиёҳвандлик, ўзини айблаш, ўзини ўзи ҳақорат қилиш тушунилади.

Асосий элементлар — бу исталган контекстда қўлланиладиган ва хизматнинг самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган таянч хизматлар хусусиятлари ёки компонентларидир.

Ахборот тақдим этиш мажбурияти Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонун ҳужжатларига тааллуқли. Бу жисмоний шахслардан ёки тиббий хизмат кўрсатувчи ваколатли шахслардан ҳар қандай амалдаги ёки тахминий оиладаги зўравонлик ёки интим муносабатда бўлган эркак томонидан кўрсатиладиган зўравонлик ҳақида (одатда ҳуқуқ-тартибот органларига ёки одил судлов тизимига) хабар беришни талаб қилади. Аксарият мамлакатларда ахборот тақдим этиш мажбурияти биринчи навбатда болалар ва вояга етмаганлар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳолатларига нисбатан татбиқ этилади, бироқ баъзи мамлакатларда у кенгайтирилган ва интим муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонлик ҳақидаги ахборотни ҳам ўз ичига олади [ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари глоссарийидаги таърифлар].

Таянч хизматлар соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва одил судлов каби секторлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг асосий мажмуини ўз ичига олади. Бу хизматлар жинси бўйича зўравонликка учраган ҳар қандай хотин ёки қизнинг ҳуқуқларини, хавфсизлигини ва хотир-жамлигини ҳеч бўлмаса кафолатлашга қаратилган.

Жароҳатдан кейинги синдром (ЖКС, жароҳатдан кейинги стресс ҳолати — ЖКСХ) — ташқи омиллар натижасида ўта кучли шикастланидиган оғир руҳий касаллик. Зўравонлик ҳаракатлари, марказий асаб тизими фаолиятининг бузилиши, камситилиш, яқин инсонларнинг ҳаёти учун кўрқув натижасида руҳий касалликларнинг клиник белгилари пайдо бўлади.

Когнитив хулқ-атвор терапияси (КХТ) шундай концепцияга асосланган. Унга кўра: инсоннинг ҳис-туйғуси ва юриш-туриши одамлар ёки воқеалар каби ташқи омиллардан кўра кўпроқ унинг фикр-ўйлари билан белгилаб берилади. КХТ, одатда, когнитив (салбий фикрларни аниқлаш ва шубҳа остига олиш қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашади) ва хулқ-атвор компонентига эга. КХТ руҳий саломатликнинг аниқ муаммоларига қараб фарқ қилади” [ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари глоссарийидаги таърифлар].

Кўз ҳаракати билан десенсибилизация ва қайта ишлаш терапияси (КХДҚТ) стандартлаштирилган иш тартибларини ўз ичига олади, улар кўзларнинг ҳаракатланиши орқали (а) жароҳат етказадиган образлар, ўйлар, туйғулар ва жисмоний ҳис этиш билан бирга ихтиёрий боғлиқликларга ва (б) кўпинча олинган жароҳат диққат марказида бўладиган икки томонлама стимуляцияга бир вақтда эътиборни жамлашни назарда тутди. КХТдан фарқли равишда КХДҚТ воқеаларни батафсил таърифлашга, узоқ вақт ишончли шубҳа остига олишни талаб қилмайдиган даволашга асосланган [ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари глоссарийидаги таърифлар].

Мажбурий ҳисобот — мутахассислардан ва /ёки айрим шахслардан оиладаги ҳар қандай амалдаги ёки кўзда тутилаётган зўравонлик ёки жинсий шериги томонидан зўравонлик ҳақидаги ахборотни етказишни (одатда ИИВ органларига ёки ҳуқуқий тизимга) талаб қиладиган айрим мамлакатлар ёки давлатларда қабул қилинган қонунларга тааллуқли. Аксарият мамлакатларда мажбурий ҳисобот биринчи навбатда болаларга шафқатсиз муносабатга ва вояга етмаганларга шафқатсиз муносабатга тааллуқли, бироқ баъзи мамлакатларда жинсий шерик томонидан кўрсатиладиган зўравонлик ҳақидаги ҳисоботгача татбиқ этилади.

Маргиналлашган гуруҳлар — (лотин. marginalia — чеккада турувчи) — гуруҳ ўзи жойлашган маданиятнинг муайян қадриятлари ва анъаналарини рад этадиган ҳамда ўз меъёр ва қадриятлари тизимини жорий этадиган кишилар гуруҳи.

Одил судлов хизматларини кўрсатувчилар — улар қуйидагилардан иборат: давлат/ҳукумат ходимлари, суд, прокуратура ходими, полиция, юридик масалалар бўйича маслаҳатчилар, суд, адвокатлар маъмурияти, адвокатлар ёрдамчилари, жабрланувчилар/гендер асосидаги зўравонликка учраган шахсларни қўллаб-қувватлаш хизматлари, ижтимоий хизматлар ходимлари.

Паллиатив даволаш — даъводан фориғ бўлишга умид бўлмаган ҳолларда беморлардаги касаллик аломатларини енгиллаштиришга қаратилган. Бундай даволаш беморлардаги/гендер зўравонликдан жабр кўрганлардаги оғриқни, азобни ва ноқулайликни камайтириш, уларнинг яшаш сифатини ошириш имконини беради.

Руминация (Rumination) — (психиатрияда) одам миясида фақат бир хил фикр ёки мавзу айланиб, бошқа барча ақлий фаолият турларини гендер зўравонлик жабрланувчисидан сиқиб чиқарувчи мияга ўрнашиб қолган фикр.

Рухий саломатлик — бу инсоннинг ўз қобилиятларини намоён эта олиши, оддий ҳаётий қийинчиликларга қарши курашиши, самарали ишлаб, ўзи яшаётган жамиятга ўз ҳиссасини қўша оладиган хотиржамлик ҳолатидир. Ушбу ижобий маънода руҳий саломатлик инсон хотиржамлиги ва жамиятдаги самарали фаолиятининг асосидир.

Сифатни назорат қилиш бўйича асосий қоидалар таянч хизматларнинг самарадорлигини ва хотин-қизлар эҳтиёжини қондириш учун мақбул сифатни кафолатлаш мақсадида таянч хизматларнинг таянч элементларини тақдим этишга ва амалга оширишга кўмаклашишга қаратилган. Асосий қоидалар хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, маданий йўналтирилган ёндашув доирасида сифатни назорат қилиш бўйича хизматлар айнан қандай тарзда кўрсатилиши кераклигини белгилашга қаратилган. Улар халқаро стандартларга асосланган ва уларни тўлдиради, шунингдек жинси бўйича зўравонликка қарши курашиш соҳасидаги умумэтироф этилган илғор тажрибани акс эттиради.

Соғлиқни сақлаш тизими (а) асосий мақсади саломатликни мустаҳкамлаш, тиклаш ва/ёки сақлашдан иборат фаолиятнинг барча турларини ҳамда (б) белгиланган қоидаларга мувофиқ фойдаланиладиган ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган кадр ресурслари, муассасалар ва ресурсларни ўз ичига олади.

Тезлик билан қўллаб-қувватлаш — тиббий (ёки бошқа) хизматлар кўрсатувчига зўрлик ҳақида хабар берган барча гендер зўравонликдан жабрланганларга кўрсатиладиган ёрдамнинг (дастлабки руҳий ёрдамнинг) энг кам даражаси. Бу жароҳат етказишга олиб келган фавқулудда вазиятлар нуқтаи назаридан “руҳий биринчи ёрдам” билан кўплаб умумий хусусиятларга эга [ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари глоссарийидаги таърифлар].

Фобияга мойил хулқ-атвор — ҳақиқатда бўлган асосли ёки асоссиз гендер зўравонлик жабрланувчисига ўрнашиб қолган қўрқув (яъни, фобия) оқибатида атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларнинг бир усулини танлаш сифатида тавсифланади.

Ижтимоий хизмат тақдим этувчилар — гендер зўравонлик жабрланувчиларнинг (ва уларнинг оиласи) оғир вазиятлардан чиқиб кетиши, маргинализацияси ва ижтимоий четланишларининг олдини олиш мақсадида уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини таъминлайдиган давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти субъектлари, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари.

Қисқартмалар

| | |
|--------|--|
| БМТ | – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти |
| ГЗЖ | – Гендер зўравонлик жабрланувчиси |
| ЖКС | – Жароҳатдан кейинги синдром |
| ЖКСХ | – Жароҳатдан кейинги стресс ҳолати |
| ЖССТ | – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти |
| ИИБ | – Ички ишлар бўлими |
| ИИВ | – Ички ишлар вазирлиги |
| КХТ | – Когнитив хулқ атвор терапияси |
| КХДҚТ | – Кўз ҳаракати билан десенсибилизация ва қайта ишлаш терапияси |
| ОИВ | – Одамнинг иммунитет танқислиги вируси |
| СОТ | – Стандарт операцион иш тартиблари |
| ТТБ | – Туман тиббиёт бирлашмаси |
| ТХКМРМ | – Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази |
| ЮНИСЕФ | – БМТнинг болалар жамғармаси |
| ЮНФПА | – БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси |
| CEDAW | – “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси |
| UNFPA | – БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси |

1. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг асослари

Таянч хизматлар пакетини тақдим этиш бўйича стандарт операцион иш тартиблари (СОТ) жабрланувчиларга/гендер зўравонликка учраган шахсларга ёрдам/хизматлар кўрсатиши мумкин бўлган соғлиқни сақлаш тизимида хизмат кўрсатувчиларнинг доимий хатти-ҳаракатларини аниқ ва батафсил таърифлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва зўравонликка учраган хотин-қизлар учун кўплаб мувофиқлаштирилган идоралараро жавоб чораларининг ўта муҳим жиҳатларини акс эттиради ҳамда одил судлов ва ҳуқуқ тартиботни соҳасидаги муҳофаза қилиш таянч хизматлар, ижтимоий хизматлар, мувофиқлаштириш ва бошқа механизмлар, шунингдек тиббий хизматлар бўйича асосий қоидаларни ўз ичига олади. Нафақат жабрдийдалар ва жабрланганларга соғлиқни сақлашнинг энг юқори стандартларидан фойдаланиш имконини бериши сабабли, балки тиббий хизмат кўрсатувчилар (масалан, патронаж ҳамширалар, доялар, тез ва шошилинч ёрдам врачлари, оилавий шифокорлар, акушер гинекологлар ва бошқалар) интим муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонликка, билим юртида (ўқитувчи, синфдошлари ёки катта синфдаги ўқувчилар томонидан), иш жойида (раҳбари ёки хизматдоши томонидан) шахвоний шилқимликка ёки жинсий зўравонликка учраган хотин-қизлар билан учрашадиган биринчи мутахассислар бўлганлиги туфайли хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши соғлиқни сақлаш соҳасидаги сифатли чора-тадбирлар ҳам ўта муҳимдир. Хотин-қизлар тиббий ёрдам сўраб, шу жумладан ўз жароҳатлари туфайли ўзларига кўрсатилган шафқатсиз муносабат ёки зўравонлик ҳақида хабар бермай ҳам тез-тез мурожаат қилади. Тадқиқотлар зўравонликка учраган аёллар зўравонликка учрамаган аёлларга нисбатан кўпроқ соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишини кўрсатди. Шунингдек хотин-қизлар тиббий хизмат кўрсатувчиларни ўзлари ишона оладиган, шафқатсиз муносабат ҳақида уларга хабар бериш мумкин бўлган профессионаллар деб ҳисоблайди [ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари].

Хотин-қизлар эҳтиёжлари хилма-хиллигини ва улар бошидан ўтказиши мумкин бўлган барча воқеаларни акс эттириш учун ушбу ҳужжат саломатлик учун келтириб чиқариши мумкин бўлган барча оқибатларни, шу жумладан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик натижасида жисмоний, руҳий, жинсий ва репродуктив саломатлик учун оқибатларни кўриб чиқади. Асосий қоидалар соғлиқни сақлаш соҳасидаги турли чора-тадбирларни ўз ичига олади:

- дори воситалари;
- тезкор кўллаб-қувватлаш;
- жароҳатларни даволаш ва психологик ҳамда психик тиббий ёрдам кўрсатиш;
- шошилинч контрацепция, хавфсиз дори-дармонлар билан аборт қилиш;
- алоқадан кейин ОИВ юқишининг олдини олиш, жинсий йўл орқали юқувчи касалликлар ва инфекцияларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш;
- тиббиёт мутахассисларига зўравонликка учраган хотин-қизларни қандай қилиб самарали аниқлаш ва даволашни ўргатиш;
- суд-тиббий текширувни тегишлича тайёргарликдан ўтган мутахассислар томонидан ўтказиш.

Бундан ташқари, келишилган хулосаларга амал қилиб, улар соғлиқни сақлаш хизматлари қуйидаги мезонларга эга бўлишига кўмаклашади:

- қулайлик;
- мақбуллик;
- нархи оммабоп бўлиши (гендер асосидаги зўравонлик бўйича тиббий хизматлар бепул кўрсатилиши керак);
- хавфсизлик;
- самарадорлик;
- сифат.

СОТ маълумотлари соғлиқни сақлаш секторида салоҳиятни бойитиш учун тиббий хизмат кўрсатувчилар, муассасалар маъмурлари ва сиёсий қарорлар қабул қилувчи шахсларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда илмий асосланган “Хотин-қизларга нисбатан интим муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонлик ва жинсий зўравонликка қарши чоралар: ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари”га асосланади.

Сифатли хизматлар кўрсатиш соғлиқни сақлаш тизими исталган даражасининг жуда муҳим хусусияти ҳисобланади. Тиббий хизматларни аниқ ташкил этиш ва уларнинг ҳажми қуйидаги тиббий хизмат кўрсатишнинг турли даражаларида ҳар хил бўлади:

- 1) гендер зўравонликдан жабр кўрганларга хизматлар бепул кўрсатиладиган дастлабки тиббий-санитария ёрдами кўрсатувчи муассасалар (масалан, оилавий шифокор пунктлари, қишлоқ ва шаҳардаги оилавий поликлиникалар, туман тиббиёт бирлашмалари);
- 2) тор доирадаги мутахассис шифокорга жўнатиш, тиббий хизмат кўрсатишнинг ихтисослаштирилган турлари бўйича стационарларни ўз ичига олади.

СОТ аҳолига яқин бўлган, дастлабки тиббий ёрдам даражасидаги хизматлар тармоғидан фойдланишни назарда тутадиган тиббий хизматларни акс эттиради (мутахассис ёки касалхона даражасидан кўпроқ). Ушбу ҳужжат дастлабки тиббий ёрдам етказиб берувчи (оилавий шифокор, акушер-гинеколог, жарроҳ ва б.) беморларнинг зарур хизматлардан фойдаланишини енгиллаштиришини ҳамда бошқа даражалар ва турлар хизматларини кўрсатувчилар билан биргаликда ишлашини назарда тутди. Шунингдек бошқа секторлар (масалан, ижтимоий хизматлар) ва ҳамкорлар (масалан, жамоат ташкилотлари, Хотин-қизларни/гендер зўравонликдан жабр кўрганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролик йиғинлари, хотин-қизлар ишлари бўйича маҳалла мутахассиси) билан мувофиқлаштириш амалга оширилади. Хизматлар кўрсатиш тармоғи профилактика, даволаш, паллиатив ва реабилитация хизматларини ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади [“ЖССТнинг таркибий элементлари”].

1.1. Стандарт операцион иш тартибларининг мақсад ва вазифалари

Жинси бўйича ҳар хил шаклдаги зўравонликка учраган хотин-қизлар учун соғлиқни сақлаш сектори соҳасида сифатли қарши чоралар ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва таҳлил қилиш ушбу таянч тиббий хизматлар бўйича стандарт операцион иш тартибларининг мақсади ҳисобланади. Асосий қоидалар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган. “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида” ги Конвенцияси 57-сессиясининг келишилган хулосалари қуйидаги мақсадда ҳаракат қилишга ундайди:

“Оммабоп, хавфсиз, самарали ва сифатли дори воситаларини, биринчи ёрдамни, жароҳатларни даволашни ҳамда ижтимоий-сиёсий ва руҳий тиббий ёрдамни, шошилинч контрацепцияни, хавфсиз (дори-дармонлар билан) абортларни, миллий қонун ҳужжатларида рухсат этилган ҳолларда алоқадан кейин ОИВ юқишининг олдини олишни, жинсий йўл орқали юқувчи касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашни, зўравонликка учраган хотин-қизларни самарали аниқлаш ҳамда даволаш мақсадида тиббиёт ходимларини ўқитишни, шунингдек малакали мутахассислар томонидан суд-тиббий экспертизаларни ўз ичига олган соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатиш орқали хотин-қизларга нисбатан зўравонлик натижасида соғлиққа етказилган барча оқибатларни, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий ҳамда репродуктив оқибатларни бартараф этиш”.

Стандарт операцион иш тартиблари (СОТ) жабрланувчиларга/гендер зўравонликка учраган шахсларга ёрдам/хизматлар кўрсатиши мумкин бўлган соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатувчиларнинг доимий ҳатти-ҳаракатларини аниқ ва батафсил таърифлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Гендер зўравонлик ҳолларида соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизматларни кўрсатиш учун СОТ мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- жабрланувчиларни/гендер зўравонликка учраганларни самарали аниқлаш учун ёрдам кўрсатиш;
- тиббий хизмат кўрсатишнинг барча босқичларида жабрланувчилар хавфсизлигини таъминлаш ва/ёки ошириш;
- хизматлар кўрсатишда сифат ва уюшқоқликни таъминлаш;
- гендер зўравонликни ҳужжатлаштиришни такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга ҳамда маълумотлар тўплашга қўмаклашиш;
- жабрланганларга/гендер зўравонликка учраган шахсларга кўрсатиладиган хизматлар махфийлигини кафолатлаш;
- жабрланганларни/гендер зўравонликка учраган шахсларни соғлиқни сақлаш тизими доирасида ва бошқа хизмат кўрсатувчиларни самарали тақсимлашга қўмаклашиш;
- тиббиёт муассасаларининг жабрланганларга/гендер зўравонликка учраган шахсларга бошқа хизмат кўрсатувчилар билан алоқаси.

Гарчи эркаклар ва ўғил болалар ҳам гендер зўравонликнинг бевосита ва билвосита оқибатларидан азоб чекиши мумкин бўлса-да, ушбу СОТнинг асосий эътибори хотин-қизларга қаратилган, чунки улар кўпроқ зўравонлик ва шафқатсиз муносабатга дучор бўлади; улар бошидан ўтказадиган зўравонлик шакллари ва оқибатлари эркаклар дуч келадиган зўравонликдан фарқ қилади.

1.2. Қўлланилиши

Тиббий хизматларнинг мавжуд кўлами гендер зўравонликка учраган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун зарур. Бешта асосий жиҳат соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириладиган тиббий хизматлар ҳар томонлама ва самарали чоралар кўрилиши учун зарур деб белгиланди:

- биринчи ёрдам (шу жумладан йўлланма бериш);
- жароҳат етказилганда ва шошилиш ҳолатларида тиббий хизматлар кўрсатиш;
- жинсий зўравонликдан жабр кўрганларни текшириш ва даволаш;
- руҳий саломатликни баҳолаш;
- стресс-менежмент.

СОТ босқичма-босқич ҳар кунлик фаолиятга, соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатувчи ҳар қандай муассаса ходимлари риоя қилиши керак бўлган фаолият ва вазифаларга оид аниқ тартибларни таърифлайди. Бу бирламчи, ўрта ва ихтисослаштирилган даражадаги тиббиёт муассасалари бўлиши мумкин.

ГЗ қарши самарали фаолиятни амалга оширишда ушбу СОТдан фойдаланиш учун соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизмат кўрсатувчиларни энг зарур даражада тайёрлаш даркор. Ўқитиш соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатувчиларнинг гендер зўравонликка идоралараро эътибор қаратиш, малакали ёрдам бериш, профилактика ва хабардор қилишни ўз ичига олган ўқитиш/ўқув режаси мажмуавий дастурининг бир қисми бўлиши мақсадга мувофиқ.

Гендер зўравонлик жабрланувчиларига ёрдам кўрсатишни ташкил этишда шахсий ҳаётнинг махфийлиги ва дахлсизлигини кафолатлаган ҳолда асосий эътибор хотин-қизларга мўлжалланган муқобил ёрдамни ривожлантиришга қаратилиши керак. Беморнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етмаслиги учун тиббий ёрдам махфийликка риоя қилинган ва гендер зўравонликдан жабрланган шахснинг барча ҳуқуқларига риоя этган ҳолда кўрсатилиши керак.

1.3. Гендер зўравонликка қарши чора кўришнинг асосий принциплари

1.3.1. Гендер зўравонликка қарши идоралараро чора кўришнинг асосий принциплари

Гендер зўравонликка қарши идоралараро жавоб қайтариш. Гендер зўравонликка жавоб қайтариш гендер зўравонлик жабрланувчиларига асосий хизматлар кўрсатувчи барча давлат ва нодавлат идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг иштирокини ўз ичига олади.

Жабрланувчининг эҳтиёжларига қаратилган ёндашув. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш жараёнига жалб қилинган барча хизмат кўрсатувчилар учун гендер зўравонлик жабрланувчиларининг ҳуқуқлари, эҳтиёжлари ва истаклари устувор аҳамият касб этиши керак.

Ҳамкорлик. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш жараёнига жалб қилинган ташкилотлар/муассасалар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик ва мувофиқлашув ўрнатилишини назарда тутати.

Жамоавий бошқарув. Идоралараро аралашув ва қайта йўналтириш, ҳаракатлар стратегияси ва режалари, шу жумладан, дастурларни режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашга тегишли бўлган қоидалар жамоавий иштирок этиш асосида, хусусан, бенефициар (фойда олувчи)лар иштирокида (қўлланилиши мумкин бўлган ҳолларда) амалга оширилиши керак.

Стратегик режалаштириш. Жамиятдаги гендер зўравонлик ҳодисаси билан курашишга қаратилган сиёсат ва дастурлар ҳар бир иштирок этувчи ташкилотнинг функционал жавобгарлигини кўрсатувчи аниқ мақсадлар ва ҳаракатлар билан умумий идоралараро стратегиялар тоифасига ўтказилиши керак.

Хизматларнинг мажмуалиги. Аралашув ва қайта йўналтириш тартиб-тамоийллари, шунингдек, ҳимоя чоралари ягона услубга асосланган соҳалараро ёндашувни талаб этади.

Олдини олиш. Самарадор кенг қамровли гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш ёндашувида барча зўравонлик ҳолатларини профилактикаси устивор аҳамият касб этади.

Ҳисобдорлик. Гендер зўравонлик жабрланувчиларига хизмат кўрсатувчи барча ташкилотлар ўз фаолиятида устувор тамоийларга риоя қилган ҳолда, ўзаро келишилган дастурлардаги тадбирларни ва меёрларни амалга оширилиши ва бажарилиши юзасидан умумий маълумот базаси учун ҳисоботларни тақдим этишлари керак.

Барқарорлик. Гендер зўравонликка жавобан идоралараро кенгашиб ҳаракат қилаётган муассасалар/ташкилотлар, сиёсий ўзгаришларга, кадрлар алмашинуви ва кадрлар қизиқиши етишмаслигидан қатъи назар, барқарорлик ёндашувни амалга ошириш ва таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратишлари керак.

1.3.2. Гендер зўравонликка учраган жабрланувчиларга хизмат кўрсатиш принциплари ва стандартлари

Умумий принципларни қўллашда тиббий хизмат кўрсатувчилар қуйидагиларни ҳисобга олиши керак:

- **тиббий хизматларда ҳуқуқий ҳимоя ёндашуви.** Ҳуқуқий ҳимоя ёндашуви соғлиқни сақлашнинг энг юқори стандартларига доир ҳуқуқни ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ўз ичига олади, у жабрланган аёл ўзи қарорлар қабул қилишга, шу жумладан жинсий ва репродуктив ҳаёти бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эканлигини, тиббий муолажалардан воз кечиш ва/ёки суд даъвосини қўзғатиш ҳуқуқига эга эканлигини англатади;
- **гендер тенглик кафолати.** Соғлиқни сақлашда гендер тенглик кафолатини таъминлаш аёллар ва эркекларнинг ўзига хос эҳтиёжларига эътибор бериб, шунингдек улар саломат бўлиши учун ўз ҳуқуқлари ва салоҳиятидан тенг фойдалана олиши учун уларга адолатли ёрдам кўрсатилишини англатади.
- **гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашув.** Хизматлар кўрсатаётиб, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик таъсири ва оқибатларини тан оладиган ёндашувни кўрсатиш зарур. Тиббиёт хизматлари хотин-қизлар, шу жумладан маргиналлашган гуруҳларга мансуб хотин-қизлар эҳтиёжларини ҳисобга олиши керак. Соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизмат кўрсатувчилар, хизмат истеъ-молчиларининг хилма-хиллигини ҳурмат қилиши ва камситмайдиган ёндашувни қўллаши керак. Бу гендер зўравонликни бошидан ўтказган барча хотин-қизлар тиббий ёрдамдан тенг ва тўлиқ фойдалана олишини ва сифат даражаси бир хил бўлган ёрдам олишини англатади;
- **гендер зўравонликка учраган жабрланувчилар ҳуқуқлари ва эҳтиёжларига йўналтирилган ёндашув.** Гендер зўравонлик ҳодисалари/ҳолатлари бўйича аралашув вақтида жабрланувчи истаклари, ҳуқуқлари ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга йўналтирилган ёндашув энг яхши ёндашув ҳисобланади, бу жабрланувчи ўз эҳтиёжларини белгилаб олишига ва кейинги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилишга қўмаклашади. Тиббий хизматларини кўрсатувчи ходимлар қарор қабул қилишда жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаши керак;
- **гендер зўравонлик жабрланувчиларининг асосий эҳтиёжларига қаратилган ёндашув.** Хизмат кўрсатиш жараёнида гендер зўравонлик жабрланувчиси вояга етмаган, жисмоний ёки ақлий жиҳатдан ногиронлик, аввал қилинган қонунбузарлик каби алоҳида эҳтиёж ва шароитлари мавжудлиги аниқланса, уларга расмий ёки тайинланган васийлар / ҳамроҳлар тайинланиши зарур бўлади;
- **хавфсизлик ва муҳофаза.** Ҳам жабрланувчининг, ҳам тиббий хизмат кўрсатувчининг хавфсизлиги гендер зўравонлик жабрланувчиларига ёрдам ташкил этиш ва кўрсатишда муҳим бўлиши керак. Жабрланувчилар хавфсизлиги идентификация вақтида ва бемор у гендер зўравонликдан жабр кўрганлигидан хабар қилганда баҳоланиши керак. Бундан ташқари, ўз хавфсизлигини баҳолаш ҳар бир маслаҳатлашувнинг бир қисми бўлиши керак. Гендер зўравонлик жабрланувчиларига маслаҳат беришнинг дастлабки босқичида гендер зўравонлик жабрланувчисига ёки бошқа ҳамкасбларига зиён етмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун юзага келиши мумкин бўлган хавфларни (жинсий шерикларни, оила аъзоларнинг зўравонлик ҳаракатларини) ҳисобга олиш муҳим;
- **конфиденциаллик/махфийлик ва сирлилик.** Конфиденциаллик/махфийликка риоя этиш гендер зўравонлик жабрланувчиларнинг ҳам, тиббий хизмат кўрсатувчиларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлаш

учун муҳим чора ҳисобланади. Жабрланган шахснинг махфийлигига доим риоя қилиш керак. Бу зарурат бўлганда ёки илтимосга кўра жабрланувчининг розилиги билангина зарур ахборот алмашишни ўз ичига олади. Маслаҳатлашув вақтида (идентификациялаш ва клиник текширув) тиббиёт сирини сақлаш, конфиденциаллик ва маълумот тўплаш, ҳисобот ҳамда ахборот алмашиш махфийлиги ҳам беморнинг, ҳам тиббий хизмат кўрсатувчининг фойда бўлиши хавфини камайтиради. Махфийлик сақлаш жабрланувчига ёрдам сўраб муурожаат қилиниши натижасида таҳдид солиш ва/ёки зўравонлик давом эттирилмаслигини кафолатлайди, шунингдек тиббий хизмат кўрсатувчиларни зўравонлик ҳаракатларини содир этган шахсларнинг ёки оила аъзоларининг таҳдидидан ҳимоя қилади. Тиббиёт соҳасида махфий ахборот алмашиш ҳамкасби бўлган тиббиёт ходимларига айрим ахборот “зарурат” принципи асосидагина берилиши мумкинлигини англатади. Ахборот бирор-бир тиббий кўрсатмалар бўлганда ва тиббий ёрдам кўрсатувчи бошқа соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатувчига (тор доирадаги мутахассисга) жўнатганда ҳамкасбларга берилиши мумкин. Бу жабрланувчига олдиндан тушунтирилиши ва жабрланувчи қайси ахборот кимга берилиши мумкинлигини тушуниши керак, шунингдек ахборотни бериш учун жабрланувчининг розилиги олиниши лозим. Агар махфийлик мажбурий ҳисобот тўғрисидаги қарор билан чекланган бўлса, жабрланувчи бу ҳақда дарҳол хабардор қилиниши керак;

- **англанган танлов.** Ҳар қандай ҳаракат фақат жабрланувчининг розилиги билан ва онгли розилик олингандан кейин амалга оширилиши керак;
- **камситилишнинг ман этилиши.** Барча жабрланганлар/гендер зўравонликка учраган шахслар ёши, ирқи, миллий келиб чиқиши, дини, жинсий ориентацияси, гендер мансублиги, меҳнатга лаёқатсизлиги, оилавий мақоми, маълумоти ва ижтимоий-иқтисодий мақомидан қатъи назар тенг ҳисобланади ҳамда уларга бир хилда муносабат қилиш лозим ва улар хизматлардан тенг фойдаланиши керак;
- **онгли розилик ва конфиденциаллик/махфийлик** ўта махфий бўлган тиббий ёрдам кўрсатишни, даволаш ва маслаҳат беришни англатади; ахборот аёлнинг розилиги билангина ошкор этилади ва уларнинг ўз саломатлиги ҳақида қандай ахборот тўпланганлигини билиш, шунингдек бундай ахборотдан, шу жумладан тиббий ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқини назарда тутати;
- **тиббий хизматларнинг миллий сиёсат билан боғлиқлиги.** Соғлиқни сақлаш соҳасидаги стратегиялар, талаблар ва қоидалар мавжуд бўлса, улар миллий сиёсат билан боғлиқ бўлиши керак, шу жумладан тиббиёт муассасаларида/институционал гендер зўравонлик олдини олишга қаратилган бўлиши керак;
- **бирга бажариладиган иш тартиблари ва баённомалар.** Гендер зўравонликдан ва айниқса жинсий зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам алоҳида ташкил этилган хизмат томонидан эмас, балки бу хизматлар аввалдан фаолият кўрсатиб келаётган тиббий хизматларга интеграциялашган бўлиши керак;
- **кадрлар малакаси.** Гендер зўравонлик натижасида жабрланувчининг жисмоний ва руҳий жароҳатлари билан боғлиқ ҳолатларда шошилиш тиббий хизматларни кўрсатишда ва кейинги даволашда соғлиқни сақлаш соҳаси кадрларининг тайёргарлиги муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, шахвоний хусусиятга эга тажовуз юз берганда гендер сезувчанлик асосида ёрдам бериш ва текшириш бўйича тайёргарликдан ўтган тиббий хизмат кўрсатувчи (патронаж тиббиёт ҳамшираси, доя, оилавий шифокор, тез тиббий ёрдам шифокори/фельдшери, стационарнинг қабул бўлими врачлари ва б.) кун ва туннинг исталган вақтида туман/вилоят даражасида (ўз жойида ёки чақирганда) фаолият кўрсата олиши керак;
- **жамият иштироки.** Гендер зўравонликдан жабрланган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда жамият иштироки гендер зўравонликдан жабрланганлар учун тиббий хизматларнинг муҳим таркибий элементи ҳисобланади;
- **тиббий дори-дармонлар/товарлар ва технологиялардан фойдаланиш имконияти** бу тиббий хизматларнинг яна бир муҳим таркибий элементи бўлиб, у конфиденциаллик/махфийлик ва хавфсизликни таъминловчи репродуктив соҳасидаги товар хавфсизлигини ўз ичига олади;
- **тиббий хизматларнинг мониторинги ва баҳолаш.** Асосий тиббий хизматларни мониторинг қилиш ва баҳолаш жараёни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ахборот тизимларидаги ҳисоботларни баҳолашдаги, мижозлар билан қайта ўзаро боғланиш алоқа мулоқатларидаги ва муқобил баҳолашда тўпланган маълумотлар тизимига таяниши керак.

1.4. Гендер зўравонликни бошидан кечирганликни/кечирилаётганлигини кўрсатувчи белгилар ва хулқ-атвор

Куйида беморнинг гендер зўравонликни бошидан кечирганлиги/кечираётганлигини англатувчи, соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатувчининг эътиборини тортиши мумкин бўлган клиник ва руҳий белгилар ҳамда

хулқ-атворнинг қисқача рўйхати келтирилган. Агар уларнинг кўпчилиги кузатилса, бемор гендер зўравонлик объекти эканлигини аниқлаш мумкин.

1.4.1. Гендер зўравонликни бошидан кечирганликни/кечираётганликни кўрсатувчи белгилар

- жароҳатлар кўплиги, тананинг бир нечта қисмида тасодиф натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлмаган, тузалишнинг ҳар хил босқичида бўлган лат еган, кўкарган жойлар;
- изоҳлаб бўлмайдиган жароҳатлар ёки аёл/қиз боланинг улар қандай пайдо бўлганлигини ноаниқ/мужмал тушунтиришга уриниши;
- симметрик жароҳатлар;
- тикланиши турли босқич бўлган, айниқса қўлларда ва юздаги шилинган жойлар, жароҳатлар, кесилган, тишланган, куйган жойлар;
- кийим билан бекитилган жароҳатлар;
- сабабини тушунтириб бўлмайдиган жароҳатлар;
- изоҳлаб бўлмайдиган сурункали ошқозон-ичак аломатлари;
- изоҳлаб бўлмайдиган репродуктив белгилар, шу жумладан тосдаги оғриқлар, жинсий дисфункциялар;
- нохуш репродуктив оқибатлар, шу жумладан бир нечта хоҳланмай юз берган ҳомиладорлик ва/ёки ҳомиладорликни тўхтатиш, ҳомиладорлик сабабли ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатилмаслик, туғруқдаги салбий ва нохуш оқибатлар;
- пешоб-таносил органлари юқумли касалликларининг изоҳлаб бўлмайдиган аломатлари, шу жумладан қовуқда ёки буйракда тез-тез учрайдиган инфекциялар ва ҳоказолар;
- қиндан қайта-қайта қон оқиши ва жинсий йўл орқали юқувчи инфекциялар;
- сурункали оғриқ (изоҳлаб бўлмайдиган оғриқ);
- марказий асаб тизими билан боғлиқ муаммолар — бош оғриғи, когнитив муаммолар, эшитиш қобилиятининг йўқолиши;
- аниқ ташхис қўйилмай, тиббий маслаҳатлашув такрорланиши;
- Врач билан маслаҳатлашишда аёлга доим ҳамроҳ бўладиган ёки врач қабули вақтида хонадан чиқиб туришдан бош тортадиган шилқим эркак ёки эр;
- тушкунлик, хавотирланиш, жароҳатдан кейин стресс ҳолатига тушиб қолиш, уйқу бузилиши аломатлари;
- спиртли ва бошқа седатив, психотроп дори воситалари қабул қилиш.

1.4.2. Жабрланувчининг гендер зўравонликни бошдан кечирганлигини/кечираётганлигини кўрсатувчи хулқ-атвор

- ноаниқ аломатлар асосида тез-тез маслаҳатлашиш;
- аёл жароҳатни бекитишга ёки унинг ҳажмини камайтиришга уринмоқда;
- аёл/қиз бола бирга яшайдиган эркакнинг ёки ҳамроҳ бўлган катта ёшли кишининг олдида хоҳламай гапирмоқда ёхуд бирга яшайдиган эркакнинг ёки ҳамроҳ бўлган катта ёшли кишининг олдида итоаткор ёки қўрқаётгандек туюлмоқда;
- даволаш режасига риоя қилмаслик;
- маслаҳатлашувларни тез-тез ўтказиб юбориш;
- аёл/қиз бола қўрқаётгандек, жуда ташвишли ёки ғамгин туюлмоқда;
- тажовузкор ёки ҳукмини ўтказадиган эркак аёл/қиз бола ўрнига гапирмоқда;
- аёллар маслаҳатлашувига камдан-кам келиш ёки умуман келмаслик;
- касалхонани ўзбошимча эрта тарк этиш.

1.5. Гендер зўравонликдан жабрланувчи билан қандай муомала қилиш лозим

Гендер зўравонлик ҳақида савол бериш ҳар қандай тиббий хизмат кўрсатувчи учун мураккаб иш бўлиши мумкин. Қуйидаги тавсиялар бундай хизматлар кўрсатувчига гендер зўравонлик тўғрисида савол беришда ишончини оширишга ва такроран жабрланишнинг/виктимизациянинг олдини олишга ёрдам беради.

- Зўравонлик масаласида ташаббусни ўз қўлингизга олинг, гендер зўравонлик жабрланувчиси ҳаммасини ўзи айтиб беришини кутманг. Бу сиз вазият учун жавобгарликни зиммангизга олаётганлигингизни кўрсатади ва ишончга асосланган муносабатларни шакллантиришга ёрдам беради.

- Оила аъзоси, дўсти ёки болалари олдида гендер зўравонлик жабрланувчисига гендер асосидаги зўравонлик ҳақида саволлар берманг.
- Гендер зўравонликка учраган шахслар билан сабр-бардошли бўлинг, танг аҳволда уларда қарама-қарши туйғулар бўлишини инобатга олинг. Жабрланган шахсни ҳаммасини ошкор айтиб беришга мажбурланманг. Агар у очиқ-ойдин гапириб бермаса, нима сизни зўравонлик ҳақида ўйлашга мажбур қилганлигини айтинг.
- Кераксиз танаффуслар қилманг ва у ўз ҳикоясини тугатгандан кейингина изоҳлаш учун саволлар беринг.
- Эътиборсиз ҳолда, изоҳларсиз тингламанг. Бу гендер зўравонлик жабрланувчисини менга ишонма-япти ва мен ноҳақман, жинойтчи эса ҳақ деб ўйлашга мажбур қилиши мумкин. Унинг кечинмаларига диққат билан қулоқ тутинг ва уни ўзини шундай ҳис этиши тўғри эканлигига ишонтинг.
- Жабрланган гендер зўравонлик жабрланувчиси сўзлаётган тилда гапиринг; агар жабрланувчи сиз тушунмайдиган тилда сўзласа, ёрдам бериш учун унинг тилини биладиган ҳамкасбингизни ёки таржимонни таклиф қилинг.
- Тилни мослаштиринг ва сўзларни гендер зўравонлик жабрланувчиси тушунадиган қилиб ифодаланг. Гендер зўравонликдан жабр кўрган шахсни чалғитиб қўйиши мумкин бўлган касбингиз билан боғлиқ жаргон ва ифодалардан фойдаланманг.
- Имкониятлари чекланган шахслар, гендер асосидаги зўравонликдан жабр кўрган қулоғи қар шахслар билан ишлашда сурдотаржимон ёки мимика-ишорали нутқ билан мулоқот қилиши мумкин бўлган яқин кишини таклиф қилиш зарур. (Имкониятлари чекланган шахслар, жумладан болалигидан ногиронлар, кўзи ожизлар, қулоғи қарлар, соқовлар, жисмоний, ақлий ва руҳий ҳолати бузилган шахслар гендер асосидаги зўравонликдан жабр кўриши мумкинлигини ёдда сақлаш зарур. Ҳар бир ҳолатда соғлиқни сақлаш хизматлари вакили жабрланувчи ишонадиган одамни, васийни таклиф қилиши керак).
- Саволлар ва ибораларни ҳамдардлик оҳангида қулай ва холис шакллантиринг. Очиқ саволлардан фодаланинг ва “нима учун” деб бошланадиган, одатда гендер асосидаги зўравонликдан жабрланган шахснинг айбини назарда тутадиган саволлар берманг.
- Гендер зўравонлик жабрланувчисини айбламанг. “Нима учун у билан бирга қолаяпсиз?”, “Зўравонлик содир этилишидан олдин сизда сабаб бўлгандими?”, “Сиз бу ерда бир ўзингиз нима қиляпсиз?”, “Қандай кийимдасиз?” деган саволлар берманг. Бунинг ўрнига уни гендер асосидаги зўравонликка бардош бериш керак эмаслигига ишонтинг.
- “Сиз билан бу рўй берганидан афсусдаман” ёки “Сиз ростдан ҳам кўп нарсани бошингиздан ўтказибсиз” каби қўшимча фикрлардан фойдаланинг, улар гендер зўравонлик жабрланувчисини кўпроқ ахборотни ошкор қилишга рағбатлантиради.
- Зўравонлик жабрланувчининг айби эмаслигига ва фақат жинойтчи бунинг учун жавоб беришига урғу беринг.
- Ахборот махфий бўлиб қолишини тушунтиринг ва гендер зўравонлик жабрланувчисига махфийлик бўйича чекловларни хабар қилинг.
- Кўз орқали маданиятли алоқа ўрнатинг ва бутун диққат-эътиборни жабрланувчига қаратинг. Мулоқот вақтида қоғоздаги ишларингизни бажармай туринг.
- Танангиз тилини тушунинг. Сизнинг туришингиз, қўлингиз ва бошингиз ҳолати, юзингиз ифодаси ва овозингиз оҳанги буларнинг барчаси гендер зўравонлик жабрланувчисига вазиятни қандай қабул қилаётганингиз ҳақида аниқ сигнал беради. Холис бўлинг ва уни қўллаб-қувватланг ҳамда у гапираётган нарсалар ҳақиқат эканлигини тасдиқланг. Жабрланувчига нисбатан ғижиниш, ишонмаслик, ёқтирмаслик ёки жаҳлни ифодаловчи тана ишораларидан фойдаланманг.
- Маданият ёки диндаги хулқ-атвор меъёрларга асосланиб, жабрланувчининг юриш-туришини қораламанг.

2. Гендер зўравонлик жабрланувчисига тақдим этилиши лозим бўлган хизматлар бўйича стандарт операцион иш тартиблари

Изчиллик асосида бажариладиган иш тартиблари амалга оширилиши мумкин бўлган аралаштириш типини бўйича гуруҳларга бўлинган. Аниқ асосий принциплар, баённомалар ёки ҳуқуқий кўрсатмалар ўзгариши мумкин, жабрланганларга/гендер зўравонликка учраган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва уни бошқариш қуйидаги иш тартибларини ўз ичига олиши керак:

- **аниқлаш;**
- **баҳолаш;**
- **соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатиш (бешта асосий элемент билан бирга);**
- **далил-исботлар тўплами;**
- **гендер зўравонликни ҳужжатлаштириш;**
- **қайта йўналтириш.**

Бўлимлар ва/ёки босқичлар тартиби гендер зўравонликдан жабрланган шахс билан учрашганда ўзгартирилиши мумкин; бироқ гендер зўравонликдан жабрланувчига ҳар қандай ёрдам аниқлашдан бошланади. Ҳар бир тиббиёт муассасаси ўз устави ва ҳуқуқий кўрсатмаларига мос келадиган бўлимларни амалга оширилиши мумкин.

Агар бирор-бир далил-исбот ёки гумон бўлса, бемор гендер зўравонликнинг бирор-бир шаклига дуч келган бўлса, тиббий хизмат кўрсатувчи ходим беморга у олиши керак бўлган барча зарур ёрдам кўрсатилиши учун барча саъй-ҳаракатни амалга оширилиши керак. Гендер зўравонликдан жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида махфийлик қоидаларига риоя этиш унинг хавфсизлигини таъминлаш кафолати ҳисобланади.

2.1. Гендер зўравонлик ҳолатларини ва жабрланувчини аниқлаш

Гендер зўравонлик юз берган ҳолларда ҳар қандай аралашувнинг биринчи қадами жабрланган шахсни аниқлашдир; бу турли усулларда бажарилиши мумкин: тиббий хизмат кўрсатувчи томонидан аниқлаш, бошқа хизматларни кўрсатувчи шахс томонидан хабар бериш ва жабрланган шахс ўзи ошкор этиши. Аниқлангач, соғлиқни сақлаш муассасаларида гендер зўравонликни ошкор этишни енгиллаштириш учун қуйидаги иккита ёндашувдан фойдаланилади: **умумий текширув ва ҳолатларни аниқлаш.**

Мунтазам текширув деб ҳам номланадиган **умумий текширув** аёл/қизлар гендер зўравонлик билан жабрланишга мойиллиги хусусида уларнинг барчаси билан яқка тартибда суҳбатларни ҳам назарда тутаяди. Умумий текширув, айниқса йўлланма бериш вариантлари, самарали чора кўриш имкониятлари чекланганда ва тиббиёт ходимлари зиммасига кўп иш юклатилганда тиббиёт муассасалари учун оғир бўлиши мумкин.

Ҳолатларни аниқлаш ёки клиник текшириш, агар аёл/қизларни текширишда уларда муайян клиник аломатлар бўлса/воқеа юз берган бўлса, гендер зўравонлик ҳақида уларни сўроқ қилиш билан ифодаланади.

Селектив ва пухта клиник мулоҳазаларга асосланган иккинчи ёндашув айниқса тиббиёт ходимларига қандай қилиб жавоб чораларини кўриш ва йўналтириш махсус ўргатилган ҳолларда энг самарали ёндашув ҳисобланади.

- Ҳар қандай вазиятда жабрланганувчи/гендер зўравонликка учраган шахс ҳаёти ёки шахси хавф остида қолганда бирламчи шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш биринчи ўринда туриши керак.
- Оғир, ҳаёти хавф остида бўлган беморларни дарҳол шошилиш даволашга юборинг.

Гендер зўравонлик ошкор этилишини енгиллаштириши ҳамда гендер зўравонлик жабрланувчини хавфсиз ва самарали аниқланишини таъминлаши учун қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилиши керак:

- бемор билан хайрихоҳона саломлашинг;

- ўзингизни таништиринг ва муассасанинг ҳуқуқий нормалари/хизматлари ҳақида қисқача сўзлаб беринг;
- бемордан ўзини таништиришни қатъийлик билан сўранг (агар гендер зўравонликдан жабр кўрган шахснинг соғлиғи ҳолати бунга тўсқинлик қилмаса);
- бемор аёлдан у ўз жинсига мансуб врач томонидан текширилишини хоҳлайдими-йўқми сўранг (айниқса жинсий зўравонлик юз берганда);
- гендер зўравонлик жабрланувчисига у муҳим деб ҳисоблаган барча нарса ҳақида сўраш имконини беринг;
- аҳолининг турли гуруҳлари (масалан, жисмоний ҳолати бузилган (шу жумладан ногиронлиги бўлган) ёки руҳий ҳолати бузилган шахслар, диндор шахслар ва этник озчилик) эҳтиёжларини ёдда тутинг ва уларни ҳал этиш учун барча саъй-ҳаракатларни кўринг;
- конфиденциал/махфий ва ҳамдардлик муҳитини яратинг, беморни фаол эшитинг ва текширувчи-аниқлик киритувчи саволлар беринг (Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан қандай алоқада бўлиш бўлимига қаранг);
- парда ёки дарпарда ортида туриб гендер зўравонлик ҳақида савол беришдан эҳтиёт бўлинг (айниқса касалхоналар негизидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида); учинчи шахс суҳбатни эшитиб қолиши мумкин;
- текширувдан ёки бошқа манипуляциялардан олдин бу нимадан иборат эканлигини, нима учун бажарилаётганлигини ва текширувни қандай қилиб жароҳат етказадиган яна бир тажрибага айлантиришнинг олдини олишни беморга тушунтиринг;
- гендер зўравонликка мойиллик ҳақида сўраш ўринли ёки ўринли эмаслигини ҳал этинг. Ҳамроҳ бўлган шахснинг ўзи зўравонлик содир этган шахс бўлиши мумкинлигини ва гендер зўравонлик ҳақидаги саволлар гендер зўравонлик жабрланувчини хавфли вазиятга қўйиб қўйиши мумкинлигини ёдда тутинг;
- агар сиз гендер зўравонлик ҳақида сўрашга қарор қилган бўлсангиз, ташхис қўйишни яхшилаш/аниқлаш, кейинги ёрдамни кўрсатиш ва қайта йўналтириш мақсадида гендер зўравонлик бўйича жабр кўришга оилада мойиллик бор йўқлиги ҳақида сўранг («Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан қандай алоқада бўлиш» бўлимига қаранг);
- агар сизда гендер зўравонлик содир этилгани ҳақида шубҳа пайдо бўлса, гендер зўравонлик жабрланувчининг касаллик тарихини текширинг ёки эр/жинсий шерик томонидан муайян шафқатсиз хатти-ҳаракатлар вақти-вақти билан такрорланганми-йўқми сўранг;
- айнақса агар хулқи ўзига тан жароҳати етказди ёки суиқасдга олиб келади деган шубҳа бўлса, шунингдек бундай хавф мавжуд бўлса, гендер зўравонлик жабрланувчини ёлғиз қолдирманг.

2.2. Гендер зўравонлик ҳолатларини баҳолаш

Гендер зўравонлик жабрланувчиси аниқлангандан сўнг тиббий хизмат кўрсатувчи гендер зўравонликка самарали қарши курашиш учун ресурслар, кўникмалар ва ваколатларга мувофиқ риоя этиш зарур бўлган кейинги ҳаракатлар (ёрдам кўрсатиш/қўллаб-қувватлаш, далил-исботлар тўплаш, гендер зўравонликни ҳужжатлаштириш ва йўлланма бериш) ҳақида қарор қабул қилиши керак. Гендер зўравонлик жабрланувчининг эҳтиёжлари ва ресурслари баҳоланиши керак, бу тиббий ёрдамнинг кейинги қадамларини ва кейинги тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос сифатида хизмат қилади.

- Кўрсатиладиган хизматларга розилик олинг. Агар сўз имкониятлари чекланган болалар ёки шахслар ҳақида бораётган бўлса, ота-оналар ёки васийлар розилигини олинг. Агар жабрланувчи ўқиш ва ёзишни билмаса, розилик ҳақида онгли равишда ёзилган ариза жабрланувчи учун ўқиб берилади ва оғзаки розилик олинади (бу ҳолат тиббий ёзувларда онгли розилик шаклида қайд этилади).
- Чекланган розилик бериш ва қайси ахборот ошкор этилишини, қайси ахборот эса сир сақланишини танлаш ҳуқуқини тушунтиринг.
- Англинган розилик бериш учун тегишли ахборот тақдим этинг. Гендер зўравонлик жабрланувчига бошқа муассасалар/хизмат кўрсатувчилар билан ахборот алмашиш имкониятлари ҳақида хабар қилинг.
- Воқеалар/ҳодисалар ҳақида бошқа муассаса олдида ҳисобот бериш юридик мажбурияти бор-йўқлигини ва, агар мумкин бўлса, тақдим этилаётган ахборотнинг мазмунини аниқланг.
- Гендер зўравонлик жабрланувчига гендер зўравонлик ва унинг саломатлик учун оқибатлари ҳақида ахборот тақдим этинг.

- Жабрланганга ёрдам холис, ҳамдардлик билан ва уни тушунган ҳолда тақдим этилишига, унга ёрдам бериш учун барча саъй-ҳаракатлардан фойдаланилишига ишонч ҳосил қилинг.
- Жабрланувчилардан нима бўлганлигини ўз сўзлари билан таърифлаб беришини, зўравонлик содир этган шахс, зўравонлик турлари ва уларнинг оғирлиги ҳақида сўзлаб беришини сўранг. Бошқа хизмат кўрсатувчиларга ҳисоботларни тақдим этишда айрим ахборотдан фойдаланиш мумкин.
- Жабрланувчи тушган вазиятга таъсир кўрсатадиган ижтимоий, оилавий ва шахсий контентни тушунтириш учун эҳтиёжлар ва ресурсларни баҳоланг.
- Кўрсатилиши зарур бўлган, гендер зўравонлик жабрланувчисини ҳимоя қилиш учун унинг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларини тўлиқ ҳисобга оладиган ёрдам/кўмак ҳақида ўйланг.

2.3. Хизмат кўрсатиш/Аралашув

Гендер зўравонлик ҳолати аниқлангач ва баҳолангач, соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизматларни кўрсатувчилар тиббий текширув ўтказиши ва жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиши керак. Тиббий текширув ўтказиш ва ёрдам кўрсатиш жараёнида соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатувчилар гендер зўравонлик жабрланувчиси жуда эҳтиросли бўлиши мумкинлигини доим назарда тутишлари керак.

2.3.1. Дастлабки ёрдам

- Холис ва ҳамдард бўлинг, жабрланувчи сўзлаб бераётган барча нарса тўғри эканлигини тасдиқланг.
- Гендер зўравонлик жабрланувчиси хавфсирашига монанд амалий ёрдам ва кўмак беринг, бироқ бетакаллуф бўлманг.
- Зўравонлик тарихи ҳақида сўранг, диққат билан эшитинг, бироқ гендер зўравонлик жабрланувчисини гапиришга мажбурламанг (суҳбатга таржимонлар аралашганда нозик мавзуларни муҳокама қилишда эҳтиёткорликка риоя қилиш зарур).
- Гендер зўравонлик жабрланувчининг фикрича унга фойдали бўлиши мумкин бўлган ресурслар, шу жумладан юридик ва бошқа хизматлар ҳақидаги ахборотдан фойдаланишда ёрдам беринг.
- Зарурат бўлса, гендер зўравонлик жабрланувчисига ўзининг ва болаларининг хавфсизлигини оширишда ёрдам беринг.
- Ижтимоий қўллаб-қувватланг ёки буни сўраб мурожаат қилинг.
- Ёпиқ эшиклар ортида маслаҳатлашув ўтказинг.
- Гендер зўравонлик жабрланувчиси эйтиборига конфиденциаллик/махфийлик чекланганлик ҳолатларини етказиб (масалан, мажбурий ҳисобот мавжуд бўлган ҳолларда), махфийлик сақланг.

2.3.2. Анамнез ва текширув

- Гендер зўравонлик жабрланувчисидан нима бўлганлигини ўзи айтиб беришини сўранг.
- Зўравонликнинг батафсил таърифини, унинг давомини, бирор-бир қурол турларидан фойдаланилганми-йўқми, шунингдек воқеа (лар) юз берган сана ва вақтни билиш керак.
- Айрим гендер зўравонлик жабрланувчилар юз берган воқеанинг ноқулай тафсилотларини атайин айтмаслиги мумкинлигини назарда тутинг.
- Гендер зўравонлик қўлланилган шаклидан дарак берадиган бошқа аломатлар борлигини текширинг (масалан, сувсираш, нотўғри овқатланиш).

Бемордан ўз дарди ҳақида маълумот олингач, соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар тўлиқ тиббий текширув ўтказишлари керак (пухта текширув; жинсий зўравонлик юз берган ҳолларда — шу жумладан, беморнинг жинсий органларини пухта текшириш) (ЖССТ 2013. 11-тавсия), бунда қуйидаги умумий принципларга риоя этиш лозим:

- беморга ўтказиладиган тиббий текширув жараёнини, у нимадан иборат бўлишини, нима учун ўтказилишини ва текширув жароҳат етказадиган яна бир тажрибага айланмаслигининг қандай қилиб олдини олишни таърифланг. Бундан ташқари, беморга савол бериш имкониятини беринг;
- бемор уни аёл врач текширишини (айниқса жинсий зўравонлик ҳолларида) хоҳлайдими-йўқми сўранг;
- беморни ёлғиз қолдирманг (масалан, у текширувни кутаётганда);
- яширин жароҳатларни кўриш учун аёл тўлиқ ечинишини ва касалхона халатини кийишини сўранг;
- гендер зўравонликнинг жисмоний белгилари борлигини текшириш учун тана аъзоларини ўрганишга киришганингизда дастлаб қопланмаган соҳаларни ўрганинг, сўнгра жабрлангандан/гендер зўра-

вонликка учраган шахсдан тананинг қолган қисмларини кўрсатишини сўранг. Бир вақтда тананинг барча қисмини кўрсатишини сўраманг; яланғоч бўлиш жабрланганни/гендер зўравонликка учраган шахсни таҳқирлаши мумкин;

- айниқса, кийим ва соч билан ёпиб турилган жойларни яхшилаб ўрганинг;
- агар у жинсий зўравонликка учраган бўлса, нафақат унинг жинсий органлари ёки қорин соҳасини, балки бутун танасини текширинг;
- ҳам жиддий, ҳам кичик жароҳатларни текширинг;
- бундан ташқари, эмоционал ва руҳий аломатларига эътибор беринг;
- бутун жисмоний текширув вақтида сиз бундан кейин нима қилмоқчи эканлигингизни хабар қилинг ва ундан рухсат сўранг. Унга қўл билан қачон тегинишингиз ва қаерига тегинишингиз ҳақида ҳар доим хабар беринг;
- барча асбоблар ва материаллар тўпламларини унга кўрсатинг ҳамда тушунтириш беринг;
- беморлар бутун текширувдан ёки унинг бир қисмидан воз кечиши мумкин. Унга текширув устидан назорат қилиш имкониятини бериш унинг тикланиши учун муҳимдир.

2.3.3. Жароҳатларни ва кечиктириб бўлмас тиббий муаммоларни клиник даволаш

- Кичикроқ жароҳатларни, масалан, тилинган, лат еган жойларни ва тананинг юза қисмидаги жароҳатларни жойнинг ўзида даволанг. Ҳар қандай жароҳат заруратга қараб ювиб тозаланиши керак.
- Қуйидаги препаратлар тайинланиши мумкин: жароҳатга юқумли касаллик тушишининг олдини олиш учун антибиотиклар; қоқшолга қарши фаол иммунизация ёки эмлаш (маҳаллий баённомаларга мувофиқ); оғриқни, ташвишланишни енгиллаштириш ёки уйқусизликнинг олдини олиш учун препаратлар.
- Жинсий зўравонлик юз берганда тиббий хизмат кўрсатувчи гендер зўравонлик жабрланувчи хоҳламай ҳомиладор бўлганми-йўқми текшириши ёки унинг олдини олиши ёхуд хоҳланмаган ҳомиладорликнинг олдини олиши мумкин бўлган бошқа мутахассисга мурожаат қилиши керак, бунда жинсий зўравонлик юз бергандан кейин 5 кун ичида, энг яхшиси самарали бўлиши учун номусига тегилгандан кейин имкон қадар тезроқ шошилишч контрацепция таклиф қилинади ёки ёзиб берилади; бир дозада 1,5 мг левоноргестрел тавсия этилади, чунки бу ҳам 12–24 соат оралиғида қабул қилинган икки дозада 0,75 мг каби самаралидир. Агар левоноргестрел йўқ бўлса, эстроген-прогестеронни қўшиб қабул қилиш, шунингдек агар имкони бўлса, қусишга қарши воситалар қабул қилиш таклиф этилиши мумкин. Агар орал контрацепция йўқ бўлса, ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлса, жабрланганларга/гендер зўравонликка учраган шахсларга нисбатан жинсий зўравонликдан кейин 5 кунгача бўлган муддатда тиббий қарши белгилар бўлмаса, таркибида мис бўлган бачадон ичи воситаси киритилиши мумкин. Агар номусига тегилгандан кейин 5 кундан кўпроқ вақт ўтган бўлса ёки шошилишч контрацепция натижа бермаган бўлса, жабрланганларга/гендер зўравонликка учраган шахсларга ихтисослашган муассасаларда (Туман тиббиёт бирлашмасининг (ТТБ) гинекология бўлими, Перинатал марказлар, аҳоли репродуктив саломатлиги марказларида) ва миллий баённомаларга мувофиқ дори-дармонлар билан хавфсиз аборт таклиф этилиши мумкин.
- Шунингдек номусига тегилгандан кейин 72 соат ичида келган жабрланганларга/гендер зўравонликка учраган шахсларга ОИВ юқиши хавфини камайтириш учун алоқадан кейинги профилактика чораларини ўтказиш зарур.
- Зарурат бўлса, жинсий йўл орқали юқувчи инфекцияларни (сўзак, хламидиоз, трихомониаз, сифилис) профилактик даволанг. Препаратлар ва даволаш схемаларини танлаш миллий протоколлар асосида буюрилиши керак.
- В гепатитга қарши эмлаш миллий протоколларга мувофиқ таклиф этилиши керак. Гепатит мақоми вакцинанинг биринчи дозаси киритилишидан олдин қон намунаси асосида баҳоланиши керак; агар иммунитет бўлса, эмлашни давом эттиришга ҳожат йўқ.
- Зарурат бўлса ёки жабрланувчининг илтимоси билан ижтимоий кўмак беринг ёки уни сўраб мурожаат қилинг. Зарурат бўлса, ўзининг ва фарзандларининг хавфсизлигини ошириш учун хавфсизликни режалаштиришда жабрланувчига ёрдам беринг (Хавфсизлик режаси бўлимига қаранг).
- Агар зарур бўлса кейинги тиббий ёрдамни тегишли равишда режалаштиринг ва тақдим этинг.

2.3.4. Психологик/руҳий саломатликни баҳолаш ва бошқариш

Яқин муносабатдаги эркак/жинсий шерик томонидан зўравонлик ва жинсий зўравонлик содир этилганда тавсия этиладиган психологик аралашувлар қуйидагиларга бўлинади:

- гендер зўравонлик жабрланувчисининг психологик эҳтиёжларига эътибор қаратиш мақсадида бевосита гендер зўравонлик ҳолати содир этилгандан кейин психологик ёрдам кўрсатилиши керак: биринчи психологик ёрдам қуйидаги элементларни ўз ичига олади: холис амалий ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш; эҳтиёжлар ва хавфни баҳолаш; асосий эҳтиёжларни (масалан, овқат ва сув, ахборотни) белгилаб олишда ёрдам бериш; уларни эшитиш, бироқ гапиришга мажбурламаслик; тасалли бериш ва ўзини хотиржам ҳис қилишига ёрдам бериш; ахборот олишда, хизматлардан фойдаланишда ва ижтимоий кўмак олишда ёрдам бериш; уларга зарар етказиш давом эттирилишидан ҳимоя қилиш; ва кучли стрессга қарши курашиш стратегиялари ҳақида ёзма ахборот билан таъминлаш;
- жароҳатдан кейин 3 ойгача: эҳтиёжлар ва хоҳиш-истаклар баҳолангандан кейин амалий ёрдам кўрсатишни ва қўллаб-қувватлашни давом эттириш. Агар киши тушкунликда бўлмаса, алкоголь ёки гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш билан боғлиқ муаммоларга эга бўлмаса, психологик аломатлари, суицидал ёки тана аъзоларига жароҳат етказиш ҳақида фикрлари бўлмаса ёки кундалик фаоллик билан боғлиқ қийинчиликларни ҳис этмаётган бўлса, бу воқеадан кейин 1–3 ойда “зийрак кузатувни”ни қўллаш. Агар жабрланувчи номусига тегилгандан кейин аломатларга ёки руҳий саломатлик билан боғлиқ ҳар қандай бошқа муаммоларга эга бўлса, психологик/психик аралаштириш учун мутахассис ёрдамига мурожаат қилинг;
- жароҳатдан кейин 3 ой ўтиб: психик саломатликни баҳоланг ва ҳар қандай аниқланган муаммоларни ҳал этинг ёки жабрланувчини мутахассисга юборинг.

2.3.5. Далил-исботлар тўплаш

Гендер зўравонликка оид далил-исботлар қонун ҳужжатларига ва қоидаларга мувофиқ ушбу иш тартибларини бажаришга ваколатли бўлган ҳамда далил-исбот тўплаш усуллари махсус ўргатилган соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизмат кўрсатувчилар томонидангина тўпланиши керак. Далил-исбот тўплаш учун аниқ чора-тадбирлар ҳар бир мамлакатнинг баённомаларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Текширув вақтида ҳам клиник, ҳам эксперт намуналари тўпланган бўлиши керак. Ўша вақтда, ўша жойда ва ўша шахс томонидан тиббий ва юридик (эксперт) хизматлар кўрсатилиши бемор ўтиши керак бўлган текширувлар сонини камайтиради ва унинг эҳтиёжлари янада тўлиқ аниқланганлигини кафолатлаши мумкин.

- Тўпланган далил-исботлар нима учун муҳим/фойдали бўлиши мумкинлигини тушунтиринг.
- Жабрланувчидан у зўравонлик далил-исботлари тўпланишини хоҳлайдими-йўқми сўранг.
- Далил-исботлар тўплаш ҳақидаги ахборот онгли равишда берилган розилик орқали ёки соғлиқни сақлашдаги шаклларига киритилганлиги асосида олинганлигига ишонч ҳосил қилинг.
- Агар бўлимнинг бошида келтирилган далил-исбот тўплаш учун шарт-шароитни бажариш имкони бўлмаса, жабрланувчи эса далил-исботлар тўпланишини хоҳлаётган бўлса, уни бундай хизмат кўрсатиши мумкин бўлган яқинроқдаги муассасага юборинг. Жабрланувчини бу масалада ёрдам бериши мумкин бўлган аниқ ахборот билан таъминланг.
- Далил-исботларни имкон қадар қисқа муддатда ва аниқ вазиятларда (масалан, жинсий зўравонлик содир этилган вақтда) тўплаш муҳимлигини ёдга солинг.
- Далил-исботларни сақлаб қолиш/йўқ қилиб юбормаслик учун нима қилиш кераклигини тушунтиринг (масалан, ювинмаслик, кийимни ювмаслик).
- Ахборотнинг/далил-исботларнинг конфиденциаллигига/махфийлигига жабрланувчини такроран ишонтиринг.
- Агар имкони бўлса, тиббий ва экспертлар тадбирларини бирлаштириб, жароҳат етказиш ва вақт йўқотиш хавфини камайтиринг.

2.3.6. Хавфларни баҳолаш ва бошқариш

Хавфларни баҳолаш ва бошқариш хавф даражасини камайтириши мумкин. Хавфсизликни таъминлаш режаси келгусида зўравонлик қўлланиладиган воқеаларнинг ёки вазият жиддийлашининг ёхуд экстремал вазиятларга мойилликнинг олдини олиши мумкин бўлган аралашувнинг бир қисми ҳисобланади. Хавфсизликни таъминлаш режаси хавф омилларини ва мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Самарали хавфсизлик режасини ишлаб чиқиш учун воқеа такрорланиши ва вазият жиддийлашиши учун хавф омилларини тушуниш зарур. Хавфлар омили қанча кўп аниқланган бўлса ва гендер зўравонлик ҳолати билан боғлиқ бўлса, гендер зўравонлик жабрланувчиси учун зўрлашга мойил бўлган хавф шунча катта бўлади.

Аниқланиши мумкин бўлган хавф омиллари:

- жабрланувчи, болалар ёки оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан аввалги гендер зўравонлик ҳаракатлари/воқеалари. Шилқимлик, зўравонлик шакллари ва унда фойдаланилган воситалар, аввалги жиноятлар ва ички ишлар органларига/ бошқармаларига аризалар ҳақидаги маълумотлар, қурол ишлатилганлиги — хавфни баҳолаш индикаторлари ҳисобланади;
- оиладан ташқари ўзини тажовузкор тутиш;
- алоқа тўхтатилиши ва ажрашиш хавф ошган даврлар ҳисобланади;
- зўравонлик содир этган шахс билан оиланинг бошқа аъзолари бирлашиши;
- қуролга қонуний ёки ноқонуний эгалик қилиш ва/ёки ундан фойдаланиш ёхуд қурол қўллаш билан таҳдид солиш;
- алкоголь ёки гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш хулқ-атворни бузиши ва зўравонликнинг кучайишига олиб келиши мумкин;
- таҳдидлар, жумладан, қотиллик содир этиш хавфи жиддий қабул қилиниши керак;
- қаттиқ рашқ қилиш ва хўжайинлик қилиш;
- муносабатларда ўта патриархал тушунчалар;
- таъқиб қилиш ва психологик террор (шилқимлик);
- судлар ёки участка инспектори томонидан берилган тақиқ ва буйруқларга риоя этмаслик;
- зўравонлик бирдан кучайишига олиб келиши мумкин бўлган сабаблар (муносабатлардаги ўзгаришлар).

Хавфсизликнинг биринчи режаси гендер зўравонлик жабрланувчиси билан бирга ишлаб чиқилиши керак ва агар зарур бўлса қуйидаги тарзда таклиф этилиши ва ташкил этилиши мумкин:

«ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЖАБРЛАНУВЧИСИ УЧУН ЭСЛАТМА»

- фавқулодда ҳолатда қақририлиши ёки бир неча кун давомида бошпана бериши мумкин бўлган шахслар (дўстлар, қўшнилари) рўйхатини тузинг;
- зўравонлик ҳақида айтишингиз ва уйингизда шубҳали овозлар эшитишса, ёрдам беришларини сўрашингиз мумкин бўлган бир ёки бир нечта кишини аниқланг;
- ўз уйингизни қандай қилиб хавфсиз тарк этишни машқ қилинг;
- хавфсизлик сумкасини тўпланг (паспорт, ўзингизнинг ва болаларингизнинг ҳужжатлари, пул, сув, алмашиб кийиладиган кийим, машинанинг запас қалитлари, агар бор бўлса) ва уни фавқулодда вазиятда осон олиш мумкин бўлган жойга солиб қўйинг;
- ўз туйгуларингиз ва фикрларингиздан фойдаланинг. Агар вазият хавfli бўлса, сизни хафа қилаётган инсонга у нима хоҳлаётган бўлса, ўшани бериш вариантини кўриб чиқинг. Сиз ўзингизни ва болаларингизни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгасиз;
- бошқа хизмат кўрсатувчиларга келгусида ёрдам сўраб мурожаат қилиш имкониятини ўйлаб кўринг (ИИБ, маҳалла, Реабилитация ва мослаштириш, Гендер зўравонликдан жабр кўрган аёллар ребилитацияси ва мослаштириш Маркази);
- калтак ва таҳдидларга муносиб эмаслигингизни ёдда сақланг.

2.4. Тиббий хизмат кўрсатувчилар томонидан гендер зўравонликни ҳужжатлаштириш

- Гендер зўравонлик жабрланувчиси ҳақидаги 1-иловадаги “Гендер зўравонлик ҳодисасини рўйхатдан ўтказиш шакли” асосида ахборот тўпланг ва рўйхатга олинг, шу жумладан: демографик ахборот, масалан, жабрланувчининг исми, ёши, жинси, маълумоти, олинган розилик, анамнез (яъни умумий тиббий ва гинекологик маълумот), воқеа ҳақида ҳисобот, жисмоний текширув, лаборатор таҳлил натижалари, даволаш режаси, берилган ёки тайинланган дори воситалари ҳамда йўлланма бериш ҳақида таклиф этилган ахборот.
- Гендер зўравонлик ҳақида тўлиқ ахборотни, шу жумладан қуйидагиларни тўпланг ва рўйхатга олинг:
 - гумон қилинган жиноятни исботловчи далиллар; бошқа воқеалар, шу жумладан аввалги яқин муносабатдаги эраклар билан бўлган воқеалар тарихи; жабрланувчи ва жиноятчи ўртасидаги муносабатлар; зўравонлик типи;
 - воқеа юз берганига шохид бўлган гувоҳлар, шу жумладан болалар;
 - қурол қўлланилдимми-йўқми (қандай турдаги қурол);

- Ҳар қандай аниқланган жароҳатларни батафсил таърифланг. Бунинг учун аниқроқ тасвирлаш учун махсус шакллар ва тана хариталаридан фойдаланинг.
- Бундан ташқари, эмоционал ва психологик аломатларни қайд этинг.
- Жабрланувчи ўз сўзлари билан нимани ошкор қилаётганлигини қайд этинг.
- Ўз шубҳа-гумонларингиз ва уларга асос бўлган далил-исботларингизни ҳужжатлаштиринг.
- Жабрланганларни/гендер зўравонликка учраган шахсларни ёзувлардан фойдаланиш имкониятидан хабардор қилинг ва бунга уларнинг розилигини олинг.
- Барча ёзувларни хавфсиз ва махфий жойда сақланг.
- Профилактика мақсадида гендер зўравонлик ҳолати ҳақидаги ахборот маҳалла қўмитаси ва ИИБга берилиши керак.
- Маълумотларни тўплаш тизимига маълумотлар киритиш учун етарлича вақт ажратинг.

2.5. Қайта йўналтириш/бошқа хизмат тақдим қилувчига йўналтириш

Соғлиқни сақлаш хизмати кўрсатувчилар кўпинча гендер зўравонлик жабрланувчиси билан алоқага киришадиган илк мутахассислар ҳисобланади. Шундай қилиб, тиббий хизмат кўрсатувчилар ўша ёки бошқа тиббиёт муассасаси доирасида гендер зўравонлик жабрланувчиларни соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа мутахассисларга ва/ёки бошқа хизмат кўрсатувчиларга (ички ишлар органларига/ бошқармаларга, ихтисослашган хизматлар кўрсатувчиларга, маҳалла фуқаролар йиғинларига, ижтимоий хизмат кўрсатувчи ташкилотларга, инқироз/реабилитация марказларига, шелтер/бошпана ва бошқа жойларга) жўнатиши мумкин. Шунга ўхшаш тарзда соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар ҳам бошқа хизмат кўрсатувчилар томонидан жўнатилган гендер зўравонлик жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиши мумкин. Гендер зўравонлик жабрланувчилар мажмуавий эҳтиёжларга эга, шу сабабли гендер зўравонликка самарали жавоб қайтариш самарали қайта йўналтириш тизими орқали таъминланиши мумкин бўлган идоралараро уюшган ҳолда жавоб қайтариш воситасида фойдаланиш мумкин бўлган хизматлар тўпламини талаб қилади.

Самарали йўлланма бериш соғлиқни сақлаш бўйича хизмат кўрсатувчилардан қуйидагиларни талаб қилади:

! Гендер зўравонликни аниқлай олиш ва аниқлашга кўмаклаша олиш, шунингдек биринчи ёрдам бера олиш;

! Алоҳида вазиятни ва бемор эҳтиёжларини баҳолай олиш. Агар баҳолашдан кейин хавф юқори бўлса, жабрланувчи зудлик билан кўрсатиладиган тиббий ёки руҳий ёрдам каби арашувга ва/ёки бошпана хизматларидан фойдаланишга эҳтиёж сезади. Агар баҳолашдан кейин хавф юқори бўлмаса, ижтимоий, психологик ёки юридик ёрдам олишга қайта йўналтириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин;

! Гендер зўравонлик ҳақидаги миллий қонунлар, шу жумладан тегишли жинойтлар таърифлари, фойдаланиш мумкин бўлган ҳимоя чоралари ва улар томонидан бирор-бир ҳисобот мажбуриятлари ҳақида ахборотга эга бўлиш. Бу билимлар касбий мажбуриятларга мос келадиган ҳажмдагина зарур;

! Бошқа муассасалар ёки хизмат кўрсатувчилар билан ахборот алмашишдан олдин жабрланувчининг розилигини олиш ва аёл кишининг махфийлигини ҳимоя қиладиган тартиб-таомилни бажариш. Жабрланувчи розилик бермаса ҳам ахборот алмашиш керак бўлган вазиятлар мавжуд.

Самарали қайта йўналтириш беришни таъминлаш учун қуйида келтирилган қадамларга амал қилиш зарур:

- гендер зўравонлик жабрланувчиларига хизмат кўрсатадиган муассасалар/ташкилотлар каталогини доим янгилаб боринг. Каталогда муассаса номи, боғланиш мумкин бўлган шахс, манзил, боғланиш мумкин бўлган бошқа маълумотлар, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати келтирилиши керак;
- баҳоланган эҳтиёжлар хоҳиш-истакларга мувофиқ гендер зўравонлик жабрланувчиси учун қандай йўлланма фойдали эканлигини аниқланг;
- жабрланувчи илтимосига кўра ва/ёки заруратга қараб, бошқа тиббиёт мутахассисларига юборилиши мумкинлигини хабар қилинг;
- йўлланма бериш учун, ҳар қандай кейинги қадам учун олдиндан жабрланувчининг розилигини олинг;

- қандай ахборот бошқа хизмат кўрсатувчиларга тақдим этилишини, шунингдек қайси ахборот сир сақланишини жабрланувчидан аниқлаштиринг (бирор-бир ҳуқуқий тартибга солиш/чеклов борми-йўқми кўрсатинг);
- қуйида келтирилган схемага амал қилиб, жабрланувчига хизмат кўрсатувчилар ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот тақдим этинг.

КИМ — қайси муассаса/ташкилот гендер зўравонлик жабрланувчиларига хизматлар кўрсатади, бунда мазкур хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун боғланиш мумкин бўлган шахснинг алоқа маълумотларини (исмини, телефон рақамини) киритади?

НИМА — улар муайян хизмат етказиб берувчидан қандай ёрдам олишга, шу жумладан ушбу хизматдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ҳақида ахборот олишга умид қилиши мумкин?

ҚАЕРДА — ушбу хизматлар кўрсатиладиган жойнинг аниқ жойлашуви (аниқ манзили).

- Жабрланувчининг танловига кўра йўлланма беринг.
- Қайта йўналтириш жараёнини бошқа хизмат кўрсатувчига қисқача ёзма ҳисобот ва у билан телефон суҳбати билан тўлдириг. Жабрланувчи гендер зўравонлик туфайли етказилган психологик жароҳатларни эслаб, ўз ҳикоясини такроран айтиб беришига ва кўп сонли сўровлар вақтида айна ўша саволларга жавоб беришига тўғри келмаслиги учун бу зарурдир.
- Жабрланувчига ўзи қайта йўналтирилиш имкониятини бериб, унинг мустақиллигини рағбатлантиринг.
- Агар зарур бўлса ва имкони бўлса, эслаб ўтилган хизмат кўрсатувчининг олдига боришда жабрланувчига ҳамроҳ бўлинг.
- Жабрланувчига у қўшимча ёрдам олиш учун қайтиши мумкинлигини тушунтиринг. Кейинги учрашувда бу масалани кўтаринг.
- Жабрланувчига кейинги тиббий тадбирлар режасини таърифлаб беринг.
- Кейинги тадбирларни ўтказиш учун телефон рақамларингизни алмашинг.
- Энг яхши натижага эришилганда (жабрланувчига бошқа хизмат кўрсатувчига қайта йўналтирилганда) ёки гендер зўравонлик жабрланувчинининг эҳтиёжлари/хоҳиш-истаклари ўзгарганда ёрдамни тўхтатинг.
- Тегишли хизмат кўрсатувчилар/муассасалар билан битим тузинг ва қайта йўналтириш бериш жараёни, шу жумладан ҳар бир хизматнинг аниқ мажбуриятлари ҳақида баённомалар тузинг.
- Ахборот алмашиш ва йўлланма бериш учун хизмат кўрсатувчилар/муассасалар ўртасидаги иш тартиблари келишилганлигига ва ходимлар эътиборига етказилганлигига ишонч ҳосил қилинг.

МАВЗУГА ОИД РЕСУРСЛАР/ҲУЖЖАТЛАР

- Закон Республики Узбекистан № 561 от 2 сентября 2019 г. О защите женщин от притеснения и насилия. <https://www.lex.uz/docs/4494712>
- Комитет Конвенции ООН по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. 2013. 57-ая сессия. Согласованные выводы: искоренение и предупреждение всех форм насилия в отношении женщин и девочек.
- Комитет Конвенции ООН по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. 1993. Декларация об искоренении всех форм насилия в отношении женщин. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/violence.shtml
- Комитет Конвенции ООН по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. Общие рекомендации №19, параграф 6. <https://www.un.org/womenwatch/daw/cedaw/recommendations/recomm.htm>
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) и УВКБ ООН (в печати). Клиническое ведение психических, неврологических расстройств и расстройств, вызванных употреблением наркотиков во время гуманитарных бедствий.
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2003. Руководство ВОЗ по судебно-медицинской помощи жертвам сексуального насилия. <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/85240/9789241548595-rus.pdf?ua=1>
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2007. Дю Монт, Янисе и Д-р Вайт. Применение и воздействие судебно-медицинских доказательств в случаях посягательств сексуального характера: Глобальный обзор. Женева, Швейцария.
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2010. Клинические и политические рекомендации ВОЗ, Руководство по осуществлению вмешательств Программы действий ВОЗ по заполнению пробелов в области охраны психического здоровья. Женева: Швейцария
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2011. Укрепление системы здравоохранения: Глоссарий. https://www.who.int/healthsystems/Glossary_January2011.pdf
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2013. Меры реагирования в случаях насилия со стороны интимного партнера и сексуального насилия в отношении женщин Клинические и стратегические рекомендации ВОЗ. Женева, Швейцария <https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/85240/9789241548595-rus.pdf?ua=1>
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2002. Всемирный доклад о насилии и здоровье. https://www.who.int/violence_injury_prevention/violence/world_report/ru/
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2013. Насилие в отношении женщин. Ответ сектора здравоохранения. Идентификационный номер ВОЗ: WHO/NMH/MP/PVL/13.1 https://www.who.int/violence_injury_prevention/publications/violence/vaw_infographic/ru/
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2018. Руководство mh GAP по принятию мер в отношении психических и неврологических расстройств, а также расстройств, связанных с употреблением наркотиков и других веществ, в неспециализированных медицинских учреждениях. Женева: Швейцария. https://www.euro.who.int/__data/assets/pdf_file/0006/393603/9789289053907-rus.pdf
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). ООН Женщины и ЮНФПА. 2014. Здравоохранение для женщин, подвергнутых насилию со стороны интимного партнера или сексуальному насилию: Клинический справочник. Женева: Швейцария
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ), Фонд военной травмы и World Vision International. 2014. Психологическая первая помощь: руководство для работников на местах. Женева: Швейцария ISBN 978 92 4 454820 2 https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/44615/9789244548202_rus.pdf;jsessionid=153DB913C0BA47B8398C14F49BD8E635?sequence=45
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ), ЮНФПА и УВКБ ООН. 2004. Клиническое ведение переживших изнасилование.
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ) и Международная Организация Труда (МОТ). 2007.
- Совместные рекомендации ВОЗ/МОТ по постконтактной профилактике (ПКП) для предотвращения ВИЧ-инфекции. Женева: Швейцария ISBN:978-5-903263-34-9
- Межведомственный постоянный комитет (МПК). 2005. Руководящие принципы для вмешательства в случае ГН в гуманитарных ситуациях: с упором на профилактику и реагирование на сексуальное насилие в чрезвычайных ситуациях.

- ООН Женщины, ЮНФПА, ПРООН, УНП ООН.2014. Стратегия для Основных служб правосудия по борьбе с насилием в отношении женщин и девочек. Основные услуги и стандарты качества.
- ООН. Доклад Генерального Секретаря ООН. Углубленное изучение всех форм насилия в отношении женщин. A\61\122\ Add.1
- ООН. 2000. Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, обусловленный Конвенцией Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН 55/25/ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/protocol1.shtml
- ЮНФПА. 2001. Практический подход к гендерному насилию: Руководство по составлению программ для поставщиков услуг и руководителей системы здравоохранения
- ЮНФПА, WAVE. 2014. Укрепление реагирования систем здравоохранения на гендерное насилие в Восточной Европе и Центральной Азии, Пакет ресурсов. <https://eeca.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/WAVE-UNFPA-Report-RU.pdf>
- ЮНФПА. Региональное отделение по странам Восточной Европы и Центральной Азии (РО ЮНФПА СВЕЦА), Восточно-Европейский Институт Репродуктивного Здоровья. 2015. Предоставление услуг медицинской помощи, часть межведомственного реагирования на гендерное насилие. Стандартные операционные процедуры. 540493 Tirgu-Mures, Romania, office@eeirh.org ; Royal College of Obstetricians and Gynaecologists, 27 Sussex Place, Regent's Park London, NW1 4RG, United Kingdom, publications@rcog.org.uk ; Хаки Йетен Кадеси № 10/С Селениум Плац 18, Фулия Бесиктас, Стамбул, Турция, eecaro@unfpa.org ; Ул. Молдовы 1, 540493 Тыргу-Муреш, Румыния, office@eeirh.org https://eeca.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/SOPs_health%20care%20provision_eng.pdf
- Interagency Standing Committee (IASC) Sub-Working Group on Gender & Humanitarian Action. 2008. GBV Resource Tool: Establishing GBV Standard Operating Procedures (SOP Guide). <https://interagencystandingcommittee.org>
- UNFPA. 2015. Minimum Standards for Prevention and Response to Gender-Based Violence in Emergencies. https://www.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/GBVIE.Minimum.Standards.Publication.FINAL_.ENG_.pdf

1-илова. Даствабки скрининг учун хизмат тақдим этувчи томонидан гендер зўравонлик инцидентини/ҳодисасини рўйхатга олиш шакли

Диққат! Ушбу шакл идоралараро жавоб қайтаришга алоқадор барча хизмат тақдим этувчилар учун универсал ҳисобланади ва гендер зўравонлик ҳодисалари бўйича маълумотларни тўплаш учун келишилган идоралараро электрон маълумотлар базасига мос келади.

Ушбу шакл гендер зўравонлик жабрланувчиси қайси хизмат тақдим этувчига мурожаат қилганлиги ёки қайси хизмат тақдим этувчилардан қайта йўналтирилганлигидан қатъи назар барча хизмат тақдим этувчилар томонидан жавоб қайтаришнинг тегишли босқичлари бўйича тўлдирилади.

| I БЎЛИМ. РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР | | | |
|---|---|--|---|
| Мурожаат қабул қилинган манзил | Ташкилот номи | | Ҳудуд коди |
| Мурожаат тўғрисида маълумот тақдим этган ташкилот/ муассаса | Ташкилот номи | | СТИР |
| Гендер зўравонлик жабрланувчисини аниқланиш усули/ мурожаат шакли | <input type="checkbox"/> шахсан | | <input type="checkbox"/> жабрланувчининг қонуний вакили |
| | <input type="checkbox"/> учинчи шахсларнинг хабарлари (қўшнилар, ҳамкасблар, дўстлар) | | <input type="checkbox"/> маҳалла фуқаролар йиғини вакили |
| | <input type="checkbox"/> соғлиқни сақлаш муассасаси | | <input type="checkbox"/> ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари |
| | <input type="checkbox"/> ҳокимлик | | <input type="checkbox"/> ишонч телефони |
| | <input type="checkbox"/> таълим муассасаси | | <input type="checkbox"/> ижтимоий тармоқлар/мессенжерлар |
| | <input type="checkbox"/> васийлик ёки ҳомийлик ташкилоти | | <input type="checkbox"/> бошқа (номини ёзинг) |
| Мурожаатни/хабарни қабул қилиш санаси | «С.С.О.О. ЙИЛ» | | |
| Нечанчи мурожаати/хабари (қайта мурожаат қилганда/хабар олинганда) | <input type="checkbox"/> биринчи марта | <input type="checkbox"/> иккинчи марта | <input type="checkbox"/> уч ёки ундан ортиқ |
| Гендер зўравонлик жабрланувчисининг яшаш жойи | Ҳудуд номи (вилоят, туман) | | Ҳудуд коди |
| | Маҳалла номи, кўчаси, уйи / хонадон рақами | | |
| Тазйиқ / зўравонлик содир этилган жой | Ҳудуд номи | | Ҳудуд коди |
| | Маҳалла номи | | |
| | <input type="checkbox"/> оила яшайдиган уйда | | <input type="checkbox"/> ишда |
| | <input type="checkbox"/> жабрланувчининг қариндошлари яшайдиган уйда | | <input type="checkbox"/> жамоат жойида |
| | <input type="checkbox"/> таълим муассасасида | | <input type="checkbox"/> кўчада |
| | <input type="checkbox"/> бошқа жойда | | <input type="checkbox"/> бошқа |
| Тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг бошланган вақти (тазйиқ / зўравонлик жабрланувчисининг сўзлари асосида ёзилади) | С.С.О.О.ЙЙ | | |
| Аёл жинсига мансуб шахсга нисбатан нима содир этилган (мурожаат қилувчининг сўзлари асосида хизмат тақдим этувчи томонидан аниқланади) | <input type="checkbox"/> тазйиқ <input type="checkbox"/> зўравонлик | | |

| II БЎЛИМ. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЁКИ ТАЗЙИҚДАН ЖАБРЛАНУВЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ | | | |
|---|---|---|---|
| Гендер зўравонлик жабрланувчисининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат | Паспорт / (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома / ID карта/ яшаш учун руҳсатнома / бошқа) (номини ёзинг) «_____» (серия) _____ (рақам) | | |
| Фамилияси, исми, отасининг исми | | | |
| Туғилган сана | С.С.О.О.ЙЙ | | |
| Фуқаролиги | <input type="checkbox"/> Ўзбекистон | <input type="checkbox"/> бошқа (номини кўрсатинг) | <input type="checkbox"/> фуқаролиги йўқ шахс |
| Оилавий ҳолати | <input type="checkbox"/> турмушга чиқмаган | | <input type="checkbox"/> турмушга чиққан |
| | <input type="checkbox"/> ажрашган | | <input type="checkbox"/> бева |
| | <input type="checkbox"/> ёлғиз она | | <input type="checkbox"/> диний никоҳда |
| | <input type="checkbox"/> фуқаролик никоҳда | | <input type="checkbox"/> бошқа |
| Соғлиғи сабабли тиббиёт муассасаларида рўйхатда туради | | | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| Ногиронлиги бор/йўқлиги | <input type="checkbox"/> йўқ | | <input type="checkbox"/> Болаликдан ногирон |
| | <input type="checkbox"/> 1 гуруҳ | | <input type="checkbox"/> 2 гуруҳ |
| | <input type="checkbox"/> 3 гуруҳ | | <input type="checkbox"/> бошқа |
| Қарамоғида борлар (вояга етмаган болалар, қариялар, ногиронлар) | | | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| Қарамоғидагилар сони (вояга етмаган болаларидан ташқари) | | | |
| Вояга етмаган болалари сони | | | |
| Жумладан, ногиронлиги бор вояга етмаган болалар | <input type="checkbox"/> йўқ | | <input type="checkbox"/> 1 |
| | <input type="checkbox"/> 2 | | <input type="checkbox"/> 3 ва ундан ортиқ |
| Ҳомиладорлик | <input type="checkbox"/> йўқ/номаълум | | <input type="checkbox"/> ҳа (ҳомиланинг ойи) _____ |
| Маълумоти | <input type="checkbox"/> мактабгача / оилавий мактабгача тарбия/ таълим | | <input type="checkbox"/> бошланғич таълим (1–4 синфлар) |
| | <input type="checkbox"/> тўлиқ бўлмаган ўрта таълим (9 йиллик) | | <input type="checkbox"/> умумий ўрта таълим (11 йиллик) |
| | <input type="checkbox"/> техник, касб-ҳунар таълими (коллеж, техникум) | | <input type="checkbox"/> олий маълумот (бакалавр, магистратура) |
| | <input type="checkbox"/> олий ўқув юртидан кейинги таълим (PhD, фан доктори) | | <input type="checkbox"/> бошқа |
| Бандлиги | <input type="checkbox"/> асосий иши шахсий хўжалиқда | | <input type="checkbox"/> уй бекаси |
| | <input type="checkbox"/> иш берувчи/тадбиркор | | <input type="checkbox"/> ишламайди, лекин иш қидирмоқда ва ишни бошлашга тайёр |
| | <input type="checkbox"/> ишламайди ҳам иш қидирмайди ҳам | | <input type="checkbox"/> соғлиқ туфайли ишламайди |
| | <input type="checkbox"/> деҳқон ёки фермер хўжалигида ишлайди | | <input type="checkbox"/> оилавий корхонларнинг (меҳнат ҳақи тўланмайдиган) ёрдамчи ишчи |
| | <input type="checkbox"/> ташкилотда, корхонада ишлайди | | <input type="checkbox"/> пенсионер |
| | <input type="checkbox"/> йўқ (вояга етмаган) | | <input type="checkbox"/> мактаб ўқувчиси |
| | <input type="checkbox"/> талаба | | <input type="checkbox"/> бошқа |
| Ўртача даромади | <input type="checkbox"/> даромади йўқ | | <input type="checkbox"/> 500 минг сўмгача |
| | <input type="checkbox"/> 500 минг сўмдан 1 млн сўмгача | | <input type="checkbox"/> 1 млн сўмдан ортиқ |
| Илгари ҳимоя ордери берилганми | | | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |

| III БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС/ШАХСЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ | | | |
|--|---|---|--|
| Фамилияси, исми, отасининг исми (агар маълум бўлса) | | | |
| Ёши (агар маълум бўлса) | | | |
| Жабрланувчига алоқадорлиги/қариндошлиги (агар тазйиқ / зўравонлик эркак томонидан амалга оширилган бўлса) | <input type="checkbox"/> қонуний никоҳдаги эри | <input type="checkbox"/> қайнотаси | <input type="checkbox"/> ҳамкасби |
| | <input type="checkbox"/> диний никоҳдаги эри | <input type="checkbox"/> ўғай отаси | <input type="checkbox"/> ўқитувчиси |
| | <input type="checkbox"/> фуқаролик никоҳда бирга яшовчи | <input type="checkbox"/> ўғай ака/укаси | <input type="checkbox"/> синфдоши |
| | <input type="checkbox"/> собиқ эри | <input type="checkbox"/> бошқа оила аъзоси | <input type="checkbox"/> курсдоши |
| | <input type="checkbox"/> отаси | <input type="checkbox"/> васий / оталиққа олган шахс | <input type="checkbox"/> бошқа эркак |
| | <input type="checkbox"/> ўғли | <input type="checkbox"/> иш берувчи | <input type="checkbox"/> нотаниш эркак |
| Жабрланувчига алоқадорлиги/қариндошлиги (агар тазйиқ / зўравонлик аёл киши томонидан амалга оширилган бўлса) | <input type="checkbox"/> қайнонаси | <input type="checkbox"/> онаси | <input type="checkbox"/> дугонаси/таниши |
| | <input type="checkbox"/> қизи | <input type="checkbox"/> ўғай онаси | <input type="checkbox"/> ҳамкасабаси |
| | <input type="checkbox"/> иш берувчиси | <input type="checkbox"/> бошқа оила аъзоси | <input type="checkbox"/> бошқа аёл |
| | <input type="checkbox"/> ўқитувчиси | <input type="checkbox"/> васий/ ҳомий | <input type="checkbox"/> нотаниш аёл |
| Жабрланувчига алоқадорликлари/қариндошлиги (агар зўравонлик бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган бўлса) | <input type="checkbox"/> эрининг оила аъзолари | <input type="checkbox"/> биологик оила аъзолари | <input type="checkbox"/> васийликка олган оила аъзолари |
| | <input type="checkbox"/> эркак қариндошлар гуруҳи | <input type="checkbox"/> аёл қариндошлар гуруҳи | <input type="checkbox"/> номаълум |
| | <input type="checkbox"/> эркак ҳамкасблар гуруҳи | <input type="checkbox"/> аёл ҳамкасблари гуруҳи | <input type="checkbox"/> бошқа |
| Маълумоти | <input type="checkbox"/> тўлиқ бўлмаган ўрта таълим (9 йиллик) | <input type="checkbox"/> умумий ўрта таълим (11 йиллик) | |
| | <input type="checkbox"/> техник, касб-ҳунар таълими (коллеж, техникум) | <input type="checkbox"/> олий маълумот (бакалавр, магистратура) | |
| | <input type="checkbox"/> олий ўқув юртдан кейинги таълим (PhD, фан доктори) | <input type="checkbox"/> номаълум | |
| Бандлиги | <input type="checkbox"/> ташкилотда, корхонада ишлайди | <input type="checkbox"/> асосий иши шахсий хўжалиқда | |
| | <input type="checkbox"/> иш берувчи/ тадбиркор | <input type="checkbox"/> ишламайди, лекин иш қидирмоқда ва ишни бошлашга тайёр | |
| | <input type="checkbox"/> ишламайди ҳам иш қидирмайди ҳам | <input type="checkbox"/> талаба/ўқувчи | |
| | <input type="checkbox"/> деҳқон ёки фермер хўжалигида ишлайди | <input type="checkbox"/> оилавий корхонларнинг (меҳнат ҳақи тўланмайдиган) ёрдамчи ишчи | |
| | <input type="checkbox"/> пенсионер | <input type="checkbox"/> соғлиқ тўфайли ишламайди | |
| | <input type="checkbox"/> номаълум | <input type="checkbox"/> бошқа | |
| Ўртача даромади | <input type="checkbox"/> даромад йўқ | <input type="checkbox"/> 500 минг сўмгача | |
| | <input type="checkbox"/> 500 минг сўмдан 1 млн сўмгача | <input type="checkbox"/> 1 млн сўмдан 2 млн сўмгача | |
| | <input type="checkbox"/> 2 млн сўмдан ортиқ | <input type="checkbox"/> номаълум | |
| Профилактик рўйхатда туради | | | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| Соғлиғи сабабли тиббиёт муассасаларида рўйхатда туради | | | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| Муқаддам судланган | | | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| Ногиронлиги бор | | | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| Турли моддаларни истеъмол қилади | <input type="checkbox"/> Йўқ | <input type="checkbox"/> Ҳа | |
| | <input type="checkbox"/> спиртли ичимликлар | <input type="checkbox"/> гиёҳванд моддалари | |
| | <input type="checkbox"/> транквилизаторлар | <input type="checkbox"/> тамаки | |
| | <input type="checkbox"/> бошқа (номини ёзинг) | <input type="checkbox"/> номаълум | |

| IV БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК ҲОДИСАСИНИ БАҲОЛАШ (ушбу бўлим хизмат тақдим этувчилар томонидан гендер зўравонлик инцидентини/ҳодисасини ишончли идентификация қилиш учун зарур бўлган ваколат ва махсус тайёргарлик асосида тўлдирилади) | | |
|---|---|--|
| IV.1.ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИГИ ЖАБРЛАНУВЧИСИГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛГАН ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ТУРЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ | | |
| Жисмоний зўравонлик қандай амалга оширилди | <input type="checkbox"/> зарар келтириши мумкин бўлган нарсани/предметни отиш | <input type="checkbox"/> шাপалоқ / мушт билан уриш |
| | <input type="checkbox"/> итариш, суриш, сочидан тортиш | <input type="checkbox"/> уриш, тишлаш ёки судраш |
| | <input type="checkbox"/> бўғиш / бўғишга уриниш | <input type="checkbox"/> тана қисмлари (қўллар, оёқлар) билан уриш) |
| | <input type="checkbox"/> тўмтоқ, кесувчи, тиғли буюмлар ва қурол билан таҳдид қилиш | <input type="checkbox"/> буюмлар билан уриш (камар, меҳнат қуроллари ва бошқалар) |
| | <input type="checkbox"/> куйдириш | <input type="checkbox"/> уйқудан маҳрум қилиш |
| | <input type="checkbox"/> заҳарли, токсик моддалар бериш | <input type="checkbox"/> электр токи, электр жиҳозларидан фойдаланиш |
| | <input type="checkbox"/> ёнувчан суюқлик, кимёвий моддалар тукиш/сепиш | <input type="checkbox"/> тўмтоқ, кесувчи ва тиғли буюмлар билан уриш, қурол ишлатиш |
| | <input type="checkbox"/> ўқ отар қуроллардан фойдаланиш | <input type="checkbox"/> бошқа |
| Рухий зўравонлик қандай амалга оширилди | <input type="checkbox"/> бошқа одамлар олдида камситиш ёки ғурурига тегиш (лақаб қўйиш, калака қилиш, ҳақорат қилиш, сўкиш, қўрқитиш, қадрсизлантирувчи ҳазиллар) | <input type="checkbox"/> ҳақорат қилиш ва айб, уят, қўрқув каби салбий ҳис-туйғуларни бошдан кечирришга мажбур қилиш |
| | <input type="checkbox"/> жабрланувчининг қадр-қимматини доимий оғзаки равишда камситиш | <input type="checkbox"/> қасддан қўрқитиш ёки таҳдид қилиш |
| | <input type="checkbox"/> ота-она ва қариндошлар билан кўришишни тақиқлаш | <input type="checkbox"/> жабрланувчини ажратиш, унинг оила аъзолари ёки дўстлари билан кўришишни тақиқлаш |
| | <input type="checkbox"/> яқинларига зарар етказиш билан таҳдид қилиш | <input type="checkbox"/> жабрланувчини эйтиборсиз қолдириш, унга нисбатан бефарқ муносабат |
| | <input type="checkbox"/> борган манзилени назорат қилиш | <input type="checkbox"/> болаларга нисбатан тажавузкорлик |
| | <input type="checkbox"/> хиёнат қилганлиги тўғрисида асоссиз айбловларни илгари суриш | <input type="checkbox"/> аёл бошқа эркаклар билан гаплашганда, ғазабланиш ҳолатига тушиш |
| | <input type="checkbox"/> бола / болалардан маҳрум этиш таҳдиди | <input type="checkbox"/> жабрланувчини ижтимоий вазифаларини бажармаётганликда мунтазам айблаш |
| | <input type="checkbox"/> уй ҳайвонлари ва уй-рўзғор буюмларига намойишкорона зарар етказиш | <input type="checkbox"/> ўз жонига қасд қилиш / ўзига зарар етказиш билан қўрқитиш |
| | <input type="checkbox"/> жабрланувчининг шахсий мулоқотларини (мобил телефон, ижтимоий тармоқлар) кузатиш ва назорат қилиш | <input type="checkbox"/> шахсий маълумотларни ижтимоий тармоқларда / мессенжерларда жойлаштириш билан таҳдид |
| | <input type="checkbox"/> хизмат ваколатлари ва ҳокимиятини қўллаш | <input type="checkbox"/> шикоят қилса ишдан бўшатиш билан таҳдид қилиш |
| | <input type="checkbox"/> жабрланувчининг ақлдан озганлигига ишонтириш (ўзининг руҳий саломатлиги ҳақида ташвишланишга мажбур қилади) | <input type="checkbox"/> ўз жонига қасд қилиш ёки ўз-ўзига шикаст етказиш |
| | <input type="checkbox"/> бошқа | <input type="checkbox"/> бошқа |

| | | |
|---|--|---|
| Жинсий зўравонлик қандай амалга оширилган | <input type="checkbox"/> жинсий шилқимлик | <input type="checkbox"/> оғзаки таҳқирлаш, таҳдидлар, шаҳвоний мазмундаги шарҳлар |
| | <input type="checkbox"/> мажбурий жинсий алоқа | <input type="checkbox"/> инцест (қондош бўлган оила аъзолари томонидан жинсий алоқага мажбурлаш) |
| | <input type="checkbox"/> тана аъзолари билан исталмаган тегинишлар орқали шаҳватини қондириш | <input type="checkbox"/> эксгибиционизм (жинсий аъзоларни нотаниш одамларга намойиш қилиш) |
| | <input type="checkbox"/> аёл / қиз билан унинг розилигисиз жинсий алоқа қилишга уриниш (зўрлашга уриниш) | <input type="checkbox"/> аёл / қиз билан унинг розилигисиз жинсий алоқа қилиш (зўрлаш) |
| | <input type="checkbox"/> жинсий эҳтиёжларни ғайритабиий йўллар билан қондириш | <input type="checkbox"/> предметлар билан шаҳвоний ҳаракатлар (кичик бўлса ҳам) |
| | <input type="checkbox"/> порнографик материалларни кўришга мажбур қилиш | <input type="checkbox"/> порнографик мақсадларда ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш (фото, видеофильм) |
| | <input type="checkbox"/> вояга етмаганни жинсий тусдаги ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш | <input type="checkbox"/> жинсий эксплуатация |
| | <input type="checkbox"/> бошқа одам билан жинсий алоқада бўлишга ундаш | <input type="checkbox"/> шавқатсиз жинсий алоқа актлари |
| | <input type="checkbox"/> бошқа | <input type="checkbox"/> бошқа |
| Иқтисодий зўравонлик қандай амалга оширилган | <input type="checkbox"/> мулк ва узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлардан фойдаланишни чеклаш | <input type="checkbox"/> асосий эҳтиёжларни қондириш учун молиявий ресурсларни чеклаш / назорат қилиш |
| | <input type="checkbox"/> таълим олиш имкониятларидан фойдаланишни назорат қилиш | <input type="checkbox"/> мулкдан фойдаланишни тўлиқ назорат қилиш |
| | <input type="checkbox"/> иқтисодий тобелиқда/қарамликда ушлаш | <input type="checkbox"/> бандлик / иқтисодий фаолиятни чеклаш |
| | <input type="checkbox"/> маълум бир меҳнат турини тақиқлаш | <input type="checkbox"/> ишлашни тақиқлаш |
| | <input type="checkbox"/> иш жойида таъқиб қилиш | <input type="checkbox"/> касбий ўсишни тақиқлаш |
| | <input type="checkbox"/> зарур эҳтиёжлар учун пул сўрашга мажбур қилиш | <input type="checkbox"/> барча шахсий маблағларни топширишга мажбур қилиш |
| | <input type="checkbox"/> ўй хизматкоридек муомала қилгандек муносабат қилиш/билдириш | <input type="checkbox"/> бошқа |

| <p>IV.2. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК ОҚИБАТЛАРИ (Ушбу бўлим хизмат тақдим этувчилар томонидан махсус тайёргарлик, ваколатга эга мутахассисларни жалб қилган ҳолда тўлдирилиши керак. Гендер зўравонлик ҳодисасининг махфийлигини таъминлаш зарурати тўғрисида баъзи бўлимларга махсус кириш ҳуқуқи талаб этилади)</p> | | |
|--|--|--|
| <p>Психологик зўравонликнинг оқибати</p> | <input type="checkbox"/> хавотир даражасининг ошиши | <input type="checkbox"/> вақтни назорат қилолмаслик |
| | <input type="checkbox"/> депрессия | <input type="checkbox"/> айбдорлик ва уят ҳисси |
| | <input type="checkbox"/> уйқусизлик | <input type="checkbox"/> ўз жонига қасд қилиш кайфияти |
| | <input type="checkbox"/> лоқайдлик, бефарқлик | <input type="checkbox"/> хотира бузилиши |
| | <input type="checkbox"/> психоэмоционал таъсирчанлик | <input type="checkbox"/> кайфиятнинг ўзгариши (асоссиз кулиш, кўз ёшлари) |
| | <input type="checkbox"/> овқатланиш одатларидаги ўзгаришлар (булимия, анорексия) | <input type="checkbox"/> бошқа |
| <p>Жисмоний зўравонликнинг оқибатлари (тиббий мутахассислар томонидан тўлдирилади)</p> | <input type="checkbox"/> кесиш | <input type="checkbox"/> тилиш |
| | <input type="checkbox"/> қонталаш, кўкариш, қизариш | <input type="checkbox"/> қулоқ ёки кўз жароҳати |
| | <input type="checkbox"/> тўқималарнинг шикастланиши, эт узилиши | <input type="checkbox"/> куйиш |
| | <input type="checkbox"/> чуқур жароҳатлар | <input type="checkbox"/> тиш ёки суюк синиши |
| | <input type="checkbox"/> ички органларнинг шикастланиши | <input type="checkbox"/> бош мия жароҳати, бошнинг шикастланиши/жароҳатланиши |
| | <input type="checkbox"/> ҳолсизлик | <input type="checkbox"/> музлаш |
| | <input type="checkbox"/> ҳомила тушиш хавфи | <input type="checkbox"/> ҳомила тушиши |
| | <input type="checkbox"/> юмшоқ тўқималарнинг жароҳати | <input type="checkbox"/> бош оғриғи, қон босимининг ошиши |
| | <input type="checkbox"/> ҳомиланинг бачадон ичида нобуд бўлиши | <input type="checkbox"/> нормал жойлашган плацентанинг муддатидан олдин кўчиши |
| | <input type="checkbox"/> ҳомиладорлик даврининг патологик кечиши (қон кетишлар, преэклампсия, эклампсия ва б.) | <input type="checkbox"/> бошқа |

| | | |
|---|---|--|
| <p>Жинсий зўравонлик оқибатлари (тиббий мутахассислар томонидан тўлдирилади)</p> | <input type="checkbox"/> жинсий аъзоларининг шикастланиши | <input type="checkbox"/> жинсий йўл билан юқадиган инфекция ва ОИВ билан касалланиш |
| | <input type="checkbox"/> ўз танасидан нафратланиш ҳисси | <input type="checkbox"/> ўз-ўзига ёқмаслик ҳисси |
| | <input type="checkbox"/> ўзини айблаш, умидсизлик ҳисси | <input type="checkbox"/> ўз жонига қасд қилиш фикри / кайфияти |
| | <input type="checkbox"/> алоқадан, мулоқотдан қочиш, бегоналашиш | <input type="checkbox"/> ҳушидан кетиш |
| | <input type="checkbox"/> хавотирнинг кўтарилиши | <input type="checkbox"/> руминация |
| | <input type="checkbox"/> бошқа | <input type="checkbox"/> бошқа |
| <p>Иқтисодий зўравонлик оқибатлари</p> | <input type="checkbox"/> пала-партиш ташқи кўриниши, мавсумий кийинмаганлик | <input type="checkbox"/> организмнинг ҳолсизлиги |
| | <input type="checkbox"/> депрессия | <input type="checkbox"/> агрессивлик |
| | <input type="checkbox"/> хавотир ҳиссининг ошиши | <input type="checkbox"/> ночорлик, қашшоқлик |
| | <input type="checkbox"/> организм иммунитетининг пасайиши, камқонлик ва тез-тез шамоллашлар | <input type="checkbox"/> асосий тиббий хизматдан маҳрум қилиш, оилавий поликлиника/оилавий шифокорлик пунктида тиббий кўриклардан ўтишга тўсқинлик қилиш |
| | <input type="checkbox"/> боланинг эҳтиёжларини қондира олмаслик | <input type="checkbox"/> шамоллаш |
| | <input type="checkbox"/> тиланчилик | <input type="checkbox"/> бошқа |

| V БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ | | |
|---|---|--|
| V.1. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЖАБРЛАНУВЧИСИНИНГ МУҲИМ ҲАЁТИЙ ФУНКЦИЯЛАРИГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН ИНҚИРОЗЛИ ВАЗИЯТЛАРДА БИРЛАМЧИ ЁРДАМ | | |
| Тақдим этилган инқиروز хизматлари | <input type="checkbox"/> шошилич мурожаатга жавоб бериш (ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва тиббиёт муассасалари) | <input type="checkbox"/> асосий ҳаётӣ эҳтиёжларни қондириш (очлик, ташналик, уйқу) |
| | <input type="checkbox"/> хавфсизлик режаси | <input type="checkbox"/> ҳимоя ордери учун мурожаат |
| | <input type="checkbox"/> вақтинчалик бошпана | <input type="checkbox"/> бошқа |
| V.2. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖМУАВИЙ ЁРДАМ/ХИЗМАТЛАР | | |
| Психологик хизматлар | <input type="checkbox"/> ишонч телефони орқали маслаҳат | <input type="checkbox"/> психотерапия машғулотлар |
| | <input type="checkbox"/> инқиروزли ҳолатига барҳам беришга йўналтирилган психологик маслаҳат | <input type="checkbox"/> психологик тренинг, қўллаб-қувватлаш гуруҳи |
| | <input type="checkbox"/> хизмат тақдим этувчилар ҳақида маълумот | <input type="checkbox"/> бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш |
| Ҳуқуқий хизматлар | <input type="checkbox"/> гендер зўравонлик ҳодисалар бўйича тергов ўтказиш ва далилларни тўплаш | <input type="checkbox"/> жабрланувчига ҳуқуқий маслаҳат бериш |
| | <input type="checkbox"/> суд органларига мурожаат қилиш учун ариза ёзишда ёрдам бериш | <input type="checkbox"/> ҳимоя ордерини бериш |
| | <input type="checkbox"/> жабрланувчини қайта жабрланишидан ҳимоя қилиш ва жабрловчи ҳимоя ордеридаги талабларга амал қилишини назорат қилиш | <input type="checkbox"/> ҳужжатларни тиклаш (паспортлар, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ва бошқалар) |
| | <input type="checkbox"/> судда жабрланувчини ҳимоя қилиш | <input type="checkbox"/> суд жараёнида гувоҳлик бериш |
| | <input type="checkbox"/> идоралараро ҳамкорлик асосида жабрланувчини бошқа хизмат кўрсатувчига йўналтириш | <input type="checkbox"/> ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа хизмат тақдим этувчилар тўғрисидаги маълумотлар бериш |
| | <input type="checkbox"/> бошқа | <input type="checkbox"/> бошқа |
| Тиббий хизматлар | <input type="checkbox"/> жароҳатни даволаш ва шошилич тиббий ёрдам | <input type="checkbox"/> суд-тиббиёт намуналарини йиғиш ва ҳужжатлаштириш |
| | <input type="checkbox"/> шифокор ёки мутахассис билан маслаҳатлашув | <input type="checkbox"/> тор ихтисослашган тиббиёт мутахассисларига йўналтириш |
| | <input type="checkbox"/> руҳий саломатликни баҳолаш | <input type="checkbox"/> шошилич контрацепция |
| | <input type="checkbox"/> ОИВ, жинсий йўл билан юқадиган бошқа инфекциядан кейинги профилактика | <input type="checkbox"/> руҳий саломатликни даволаш |
| | <input type="checkbox"/> ёзма далилларни тақдим этиш ва судга ташриф | <input type="checkbox"/> идоралараро жавоб учун йўналтириш |
| Ижтимоий хизматлар | <input type="checkbox"/> давлат томонидан кафолатланган ижтимоий ёрдам тўғрисида маълумот бериш | <input type="checkbox"/> моддий ва молиявий ёрдам (шу жумладан имтиёзлар, бир марталик ёрдам) |
| | <input type="checkbox"/> уй шароитларини яхшилашга ёрдам бериш | <input type="checkbox"/> иш билан таъминлашда / иш топишда ёрдам бериш |
| | <input type="checkbox"/> оилавий низоларни ҳал қилишда медиация хизматлари | <input type="checkbox"/> гендер зўравонлик жабрланувчиларининг фарзандлари учун таълим олиш / давом эттириш учун шароитларни ташкил этишда ёрдам бериш |
| | <input type="checkbox"/> бошпаналарда вақтинча қолиш хизматлари (инқиروز ҳолатларидан ташқари) | <input type="checkbox"/> касб-ҳунар эгаллашда ёки қайта тайёрлашда ёрдам бериш |
| | <input type="checkbox"/> ҳужжатларни тиклаш хизматлари | <input type="checkbox"/> васийлик / ҳомийликни тиклаш бўйича хизматлар |
| | <input type="checkbox"/> бошқа хизмат тақдим этувчилар билан алоқа ўрнатишда ёрдам бериш | <input type="checkbox"/> бошқа |

| | | |
|--|---|---|
| V.3.ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ИДОРЛАРАРО ЖАВОБ ҚАЙТАРИШ ДОИРАСИДА БОШҚА ХИЗМАТ ТАҚДИМ ЭТУВЧИЛАРГА ЙЎНАЛТИРИШ (ҚАЙТА ЙЎНАЛТИРИШ) (жабрланувчи дастлаб мурожаат қилган ташкилот ва кейинги йўналтирилган муассаса томонидан тўлдирилади) | | |
| Гендер зўравонлик жабрланувчиси қаерга йўналтирилди | <input type="checkbox"/> тиббиёт муассасалари | <input type="checkbox"/> ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари |
| | <input type="checkbox"/> инқироз/реабилитация марказлари | <input type="checkbox"/> шелтер / вақтинчалик бошпана |
| | <input type="checkbox"/> фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судларга | <input type="checkbox"/> маҳалла фуқаролар йиғини |
| | <input type="checkbox"/> адвокатуралар | <input type="checkbox"/> бандлик марказлари |
| | <input type="checkbox"/> хокимлик | <input type="checkbox"/> психологик марказлар |
| | <input type="checkbox"/> маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари | <input type="checkbox"/> аёллар ташкилотлари |
| | <input type="checkbox"/> ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар | <input type="checkbox"/> аёллар кенгаши |
| | <input type="checkbox"/> бошқа | <input type="checkbox"/> бошқа |
| VI БЎЛИМ. ХИЗМАТ ТАҚДИМ ЭТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР НАТИЖАЛАРИ (ёрдам ёки хизмат тугагандан сўнг гендер зўравонликка жавоб қайтаришга алоқадор барча хизмат тақдим этувчилар томонидан тўлдирилади) | | |
| Гендер зўравонликка жавобан эришилган натижалар | <input type="checkbox"/> оилавий низоларни ҳал қилишда ёрдам бериш | <input type="checkbox"/> тузатиш дастури ва медиация натижасида оилавий муҳитни яхшилаш |
| | <input type="checkbox"/> бепул профилактик тиббий кўрик | <input type="checkbox"/> асосий тиббий хизматлардан фойдаланишни таъминлаш (клиник текширув, сурункали касалликларни даволаш) |
| | <input type="checkbox"/> сурункали касалликларни даволаш | <input type="checkbox"/> тиббий кўрик/диспансер хизмати |
| | <input type="checkbox"/> болаларнинг мажбурий таълим олиш имкониятини таъминлаш | <input type="checkbox"/> болаларни эмлаш |
| | <input type="checkbox"/> касб-ҳунар таълими | <input type="checkbox"/> ишга жойлашиш / кичик бизнесни очишда ёрдам бериш |
| | <input type="checkbox"/> ҳужжатларни тиклаш | <input type="checkbox"/> оилани тиклаш, оилага реинтеграция қилиш |
| | <input type="checkbox"/> вақтинча / доимий ўй-жой билан таъминлаш | <input type="checkbox"/> мулкий низолар ҳал қилиш |
| | <input type="checkbox"/> психологик реабилитация дастуридан ўтиш | <input type="checkbox"/> ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг олдини олиш |
| | <input type="checkbox"/> бошқа | <input type="checkbox"/> бошқа |

2-илова. Гендер зўравонлик даражаси идентификациясининг жадвали

Ушбу востита барча хизмат тақдим этувчи муассасага гендер зўравонлик жабрланувчи ҳамда унинг фарзандлари хавфсизлиги ва соғлигига хавфни ҳисобга олган ҳолда гендер зўравонлик даражасини аниқлаш ва унга қарши тегишли чоралар қўриш имконини беради.

| Гендер зўравонлик даражаси | Зўравонлик турлари | Зўравонлик кўриниши | Назорат жавоби |
|---|--------------------|--|--|
| Жабрланувчининг соғлиги ва хавфсизлигига таъсирнинг паст хавфи даражаси (унинг фарзандларига ҳам) | Психологик | Жабрланувчининг қадр-қиммати доимий равишда даҳанаки таҳқирлаш. Масалан, лақаб қўйиш, ҳақорат қилиш, уришиш, сўкиш, қўрқитиш, масхаралаш. Уз ҳақида ёмон фикрлаш, ўзидан уялиш ҳиссини уйғотиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Хатти-ҳаракатли (сўзларсиз) низоли хулқ. Масалан, узоқ вақт сукут сақлаш, нарсаларга зарар етказиш, нигоҳ орқали қўрқитиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Уй хўжалигида маиший шaroитларидан фойдаланишни чеклаш (ҳаммом, ҳожатхона ва ҳоказо) | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Жабрланувчига нисбатан ҳукмронлик/хизмат ваколатининг устунлигидан фойдаланиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Шахсий маълумотларни ижтимоий тармоқларда/месенжерларда эълон қилиш билан таҳдид қилиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Жабрланувчини (унинг болаларига нисбатан ҳам) овқатланишни чеклаш ва назорат қилиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Асосий эҳтиёжларни қондириш учун пул маблағларини чеклаш ва назорат қилиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Аёлига/турмуш ўртоғига нисбатан хизматкордек муомала қилиш ва унга оилавий даромад ҳақидаги маълумотни айтишдан бош тортиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Уни пул сўрашга ва бунинг учун миннатдорчилик билдиришга мажбурлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Барча молиявий қарорларни ёлғиз ўзи қабул қилиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | Жинсий | Мустақил ишлаб топган пулни ишлаштишни тақиқлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Жинсий/интим яқинлик қилиш таклифи | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Жинсий аъзоларни англутувчи сузлар орқали ҳақоратлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Порнография томоша қилишга мажбурлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |

| | | | |
|---|--|--|--|
| Жабрланувчининг соғлиғи ва хавфсизлигига таъсирнинг ўртача хавфи даражаси (унинг фарзандларига ҳам) | Психологик | Зўравоннинг тажовузкор ҳаракати. Можаро/ зўравонлик учун сабабларини излаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Доимий равишда отзаки ва отзакни бўлмаган ҳақорат ва шаънини камситиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Жабрланувчининг яқинлари (қариндошлари, дўстлари) билан мулоқотини чеклаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Психологик босим ўтказиш мақсадида жабрланувчи ва унинг фарзандлари кўз ўнгида уй ҳайвонларига нисбатан шафқатсизлик қилиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки бошқа юқори турувчи инстанцияларга мурожаат қилган тақдирда, жабрланувчига ишдан бўшатиш билан таҳдид қилиш ҳолатлари | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Уялтириш, ўзи ҳақида ёмон ўйларга боришга мажбурлаш, ГЗЖни ақлдан озаётгандек ҳис қилишга олиб келиш, зўравонлик ҳолатини тан олмаслик | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Жабрланувчининг шахсий маълумотларни (фото, видео) ижтимоий тармоқларда/месенжерларда эълон қилиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | Жисмоний | Тананинг баъзи қисмлари (қўллар, оёқларга) билан енгил жароҳат етказиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Муштли билан уриш, тепиш, итариш, бўғиш, тарсаки уриш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Нима ейиш, қачон ухлашни белгилаб бериш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Руҳий босим ўтказиш мақсадида жабрланувчининг болаларига тан жароҳати етказиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | | Асосий тиббий хизматлар, эмлаш каби хизматлардан фойдаланишни тақиқлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | Жинсий | Жабрланувчини жинсий алоқа қилишга даъват этиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ |
| | Режали контрацепциядан фойдаланишни тақиқлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | Жинсий алоқага рози бўлмаганлиги учун ГЗЖга нисбатан турли жазоларни қўллаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| Иқтисодий | Мол-мулк ва пул маблағлари устидан тўлиқ назорат қилиш. Меҳнат ва иқтисодий фаолият билан шуғулланишни чеклаш. | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | Жабрланувчи ишлаб топган пулни олиб қўйиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |

| | | | | |
|--|---|---|--|--|
| Жабрланувчининг соғлиғи ва хавфсизлигига таъсирнинг биринчи тоифали юқори хавфи даражаси (унинг фарзандларига ҳам) | Психологик | Жабрланувчини ўз жонига қасд қилишга ва ўзини ўзи ўлдиришга ундаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | Жисмоний | Қурол ўқталиш | | |
| | | Турли хил маиший буюмлардан фойдаланган ҳолда қасддан жароҳат етказиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Жабрланувчи (унинг фарзандлари) ёпиқ жойда ушлаб турилиши | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Буйндан ушлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | Жинсий | Жабрланувчи (жабрланувчининг болаларини) очлик, жазирама, совуқ жойда ушлаб туриш, уйқу бермаслик | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Куйдириш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Жабрланувчини интим хусусиятларга эга ҳаракатларга мажбурлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Жабрланувчини порнографик мазмундаги фото/видео материаллар объекти бўлишга мажбурлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Жабрланувчининг мол-мулки ва пул маблағларини тортиб олиш/ тўлиқ назорат қилиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| Жабрланувчини озиқ-овқатдан маҳрум қилиш | | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | | |
| Жабрланувчининг соғлиғи ва хавфсизлигига таъсирнинг иккинчи тоифали юқори хавфи даражаси (унинг фарзандларига ҳам) | Психологик | Жабрланувчини ишга бориш /хизмат фаолияти билан шуғулланганиши ҳолатларда унга жароҳат етказиш (ўлдириш) билан таҳдид қилиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Жабрланувчини ҳамма жойларда тўлиқ таъқиб қилиш/шахсий алоқаларини назорат қилиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Жабрланувчини унинг яқинларига нисбатан жисмоний зўравонлик қилиш билан қўрқитиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Спиртли ичимликлар/ғиёҳванд моддалар таъсирида жабрланувчини (унинг фарзандларини ҳам) мунтазам равишда калтаклаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | Жисмоний | Ўткир ва тилғи буюмлар воситасида қасддан жароҳат етказиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Спиртли ичимликлар, наркотик моддалар ва бошқа психотроп воситаларни истеъмол қилишга мажбурлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Бўғиб ўлдиришга уриниш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Жабрланувчини мунтазам равишда зўрлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Жабрланувчининг (унинг фарзандларининг ҳам) жисмоний ва руҳий соғлиғига салбий таъсир қилиш хавфи катта бўлгани ҳолда жабрланувчини жинсий ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| | | Вояга етмаган шахснинг ўз қонуний васийси / ҳомийси томонидан жинсий эксплуатация қилиниши | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | |
| Иқтисодий | Иқтисодий фаолиятни тўлиқ чеклаш. Тажовузкорга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | | |
| | Жабрланувчини иш жойида ҳам таъқиб қилиш | <input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ | | |

Эслатма. Агар хизмат тақдим этувчи шахс томонидан гендер зўравонлик жабрланувчининг (шу жумладан унинг фарзандларининг ҳам) хавфсизлиги ва ҳаётига таъсир қилган диган юқори даражадаги хавф аниқланса, бу ҳодиса ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини тақдим этувчиларга хабар берилиши ва жабрланувчи тиббий хизмат тақдим этувчиларга йўналтирилиши керак. Қизил қаторлардаги иккита белгининг борлиги зўравонликнинг оғир шаклидан дарак беради.

3-илова. Гендер асосидаги зўравонлик жабрланувчилари учун таянч хизматларни кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатувчилар учун эслатма

1-таянч хизмат. Интим муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонлик ҳолларини аниқлаш

Тиббиёт муассасалари ходимлари зўравонлик аёл/қиз/бола саломатлиги билан муаммо келиб чиқишига ёки саломатлиги ёмонлашишига сабаб бўлиши мумкинлигини билиши муҳим. Эркак билан муносабатда зўравонликка ва жинсий зўравонликка учраган аёллар кўпинча ўзининг эмоционал ёки жисмоний ҳолати, шу жумладан жароҳатлари туфайли тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилади. Бироқ кўпинча гендер зўравонликдан жабрланувчилар уялиши, таъналардан ёки ўз маъшуқидан қўрқиши туфайли хизматлар кўрсатувчига зўравонлик ҳақида хабар қилмайди.

| Асосий элементлар | Асосий қоидалар |
|--|---|
| 1.1. Ахборот тақдим этиш | Жинсий муносабатда бўлган эркак (эр, бирга яшовчи эркак) томонидан зўравонлик ва жинсий муносабатда бўлмаган эркаклар (яқин ва узоқ қариндошлар, бошлиқлар, раҳбарлар, хизматдошлар, синфдош, курсдош ва ҳоказолар) томонидан шахвоний хусусиятга тажовузкорлик ҳақидаги ахборот плакатлар шаклида тиббиёт муассасаларида осиб қўйилиши керак, рисола ёки варақалар, агар зўрлик қилувчи эркак у ерда бўлса, уйга олиб кетмаслик ҳақидаги тегишли огоҳлантириш билан бирга аёллар ҳожатхонаси каби жойларда бўлиши керак. |
| 1.2. Гендер асосидаги зўравонлик ҳолларини аниқлаш | Тиббий хизмат кўрсатувчилар ташхисни аниқлаш ва даволашни давом эттириш мақсадида интим муносабатда бўлган эркак томонидан кўрсатилган зўравонлик сабаби бўлиши мумкин бўлган ёки зўравонлик билан мураккаблашиши мумкин бўлган шарт-шароитларни баҳолашда гендер асосидаги зўравонлик ҳолати ҳақида сўраши керак. Жинсий муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонлик билан боғлиқ клиник белгилар йиллик режали даволаш-профилактика ёки чуқур текширишда, аёл киши даволаниш учун ва маслаҳат сўраб врачга (оилавий шифокорга, стационар қабул бўлими врачига, акушер-гинекологга, травматологга ва б.) мурожаат қилганда аниқланиши мумкин ва қуйидагиларни ўз ичига олади: Эмоционал ҳолат бузилиши, масалан, стресс, қўрқув ёки тушкунлик. Зарarli хулқ-атвор, масалан, алкоголь ёки гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш. Ўзига қасддан тан жароҳати етказишга ёки суиқасд қилишга қаратилган фикрлар, режалар ёки ҳаракатлар. Тез-тез учрайдиган ёки изоҳлаш қийин жароҳатлар. Жинсий йўл билан ўтадиган қайталанадиган юқумли касалликлар. Хоҳламай ҳомиладор бўлиш. Изоҳлаб бўлмайдиган сурункали оғриқлар ёки ҳолат (тосдаги оғриқлар ёки жинсий муаммолар, ошқозон-ичак касалликлари, буйрак ва қовуқ инфекциялари, бош оғриғи). Аниқ ташхис қўймай такрор-такрор тиббий маслаҳатлар. Маслаҳат вақтида шерикнинг ёки эрнинг шилқимлиги. “Умумий скрининг” ёки “стандарт текширув” ўтказилиши (яъни врачнинг қабул вақтида конфиденциаллик/махфийлик шартларига риоя этилмай, гендер зўравонликдан жабрланувчи сўроқ қилиниши) мумкин эмас. |
| 1.3. Зўравонлик ҳақидаги масалаларга қўйилган энг кичик талаблар | Жинсий муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонликка оид масалаларга қўйилган энг кичик талаблар: конфиденциал/махфий ҳолат яратинг; ҳамдардлик кўрсатиб ва қораламай савол беринг; маданий ўзига хосликни ҳисобга оладиган тегишли жумла ва иборалардан фойдаланинг; махфийлик кафолатланаётганлигини билдириг; минтақадаги мавжуд муассасаларни ҳисобга олиб, жойларда йўналишлар тизими мавжудлиги; муассасада гендер асосидаги зўравонликдан жабрланганларга асосий тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича маҳаллий протоколлар/ стандарт операцион иш тартиблари бўлиши керак; ходимлар маслаҳат бериш, савол бериш, жавоблар сони бўйича ўқитилган бўлиши керак. |
| 1.4. Зўравонликдан гумон қилиш | Тиббий хизмат кўрсатувчилар зўравонликдан гумон қилса, бироқ аёл/қизлар бу ҳақда оғиз очмаса: уларга босим ўтказманг, вақт беринг; Қуйидагилар ҳақида ахборот беринг: фойдаланиш мумкин бўлган хизматлар; зўравонликнинг аёллар ва уларнинг болалари саломатлигига таъсири. Яна ташриф буюришингизни айтинг. |

2-таянч хизмат. Тезкор қўллаб-қувватлаш/шошилинич ёрдам

Зўравонликка учраган аёлни тезликда қўллаб-қувватлашда эҳтиёжларнинг тўрт тури эътиборга лойиқ: 1) Ҳиссий/психологик саломатликнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари; 2) жисмоний саломатликнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари; 3) жорий хавфсизлик эҳтиёжлари; 4) жорий қўллаб-қувватлаш ва руҳий саломатлик эҳтиёжлари. Тезлик билан қўллаб-қувватлаш амалий ёрдамни таъминлайди ва гендер зўравонликдан жабрланувчининг шахсий ҳаётига тажовуз қилмай, унинг эмоционал, жисмоний эҳтиёжларига, шунингдек хавфсизлик ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ эҳтиёжларига жавоб беради. Кўпинча тезлик билан қўллаб-қувватлаш — бу кўрсатилиши мумкин бўлган энг муҳим ёрдамдир.

| Асосий элементлар | Асосий қоидалар |
|--|---|
| <p>2.1. Хотин-қизлар эҳтиёжларига йўналтирилган қўллаб-қувватлаш</p> | <p>Жинсий муносабатда бўлган эркак (ёки оиланинг бошқа аъзоси) томонидан бирор-бир шаклдаги зўравонлик ёки ҳуқуқбузар тарафидан шахвоний хусусиятга эга тажовуз ҳақида хабар берган аёлларга кечиктириб бўлмас ёрдам кўрсатилиши керак.</p> <p>Тиббий хизмат кўрсатувчилар аёл/қизлар зўравонлик ҳақида хабар берганда, ҳеч бўлмаса, тезлик билан қўллаб-қувватлашни таклиф қилиши керак. Тезлик билан қўллаб-қувватлаш қуйидагиларни ўз ичига олади: холис ва ҳамдард бўлиш, гендер зўравонликдан жабрланувчининг ҳикоясига қарши бормаслик; гендер зўравонликдан жабрланувчи хавотирига жавобан амалий ёрдам кўрсатиш ва парваришlash, бироқ бунда унинг мустақиллигини бўғмаслик; диққат билан эшитиб, бироқ уни сўзлаб беришга мажбур қилмай, унга нисбатан кўрсатилган зўравонлик ҳақида сўраш (таржимонлар иштирокида нозик масалаларни муҳокама қилаётиб, эҳтиёткорлик намоён этиш зарур); гендер зўравонликдан жабрланувчини жавоб беришга ёки ахборотни ошкор этишга мажбур қилмай эшитиш; ахборот таклиф этиш, фойдали бўлиши мумкин бўлган ресурслар, шу жумладан ҳуқуқий ва бошқа хизматлар ҳақидаги ахборот билан танишиб чиқишда унга ёрдам бериш, шунингдек хизматлар билан боғланишда ва ижтимоий кўмак олишда унга ёрдам бериш; оғир стрессни енгиб ўтиш стратегиялари ҳақида ёзма ахборот тақдим этиш (агар уйда зўравонлик кўрсатган эркак бўлса, босма материални уйга олиб кетмаслик ҳақида тегишлича огоҳлантириш); гендер зўравонликдан жабрланувчининг хавфсизлигини ва зарур бўлса болаларининг хавфсизлигини яхшилашда ёрдам беринг; гендер зўравонликдан жабрланувчининг хавотирини егиллаштириш ёки камайтириш учун унга кўмак ва ёрдам таклиф қилиш; жамият кўмагини тақдим этиш ёки сафарбар этиш (шу жумладан йўлланма бериш).</p> |
| <p>2.2. Махфийликни таъминлаш</p> | <p>Тиббий хизмат кўрсатувчилар қуйидагиларни таъминлаши керак: маслаҳатлашув ўтказишда конфиденциаллик/махфийлик. Гендер зўравонликдан жабрланувчиларни махфийлик доираси ҳақида хабардор қилиш (албатта ахборот тақдим этилган ҳолатда).</p> <p>Агар гендер зўравонликдан жабрланувчи ўзи хоҳламаса ва унинг ҳолати/шароити ўзининг ёки болаларининг ҳаётига/хавфсизлигига таҳдид солмаса, тиббиёт ходимларига гендер зўравонликдан жабрланувчига кўрсатилган зўравонлик ҳақидаги ахборотни ички ишлар органларига тақдим этиш тавсия этилмайди. Тиббиёт ходимлари юз берган воқеа ҳақида тегишли органларга, шу жумладан маҳаллий ички ишлар органларига хабар беришни, агар гендер зўравонликдан жабрланувчи шуни хоҳласа ва ўз ҳуқуқларини билса, таклиф қилишлари керак. Тиббиёт ходимлари болалар билан шафқатсиз муносабат ва ҳаётига хавф солинган ҳолатлар ҳақида, агар қонунда талаб қилинган бўлса, тегишли органларга хабар қилишлари керак.</p> |

| | |
|---------------------------|--|
| 2.3. Фойдаланиш имконияти | Агар тиббий хизмат кўрсатувчилар тезликда қўллаб-қувватлай олмаса/кечиктириб бўлмас ёрдамни кўрсата олмаса, улар бошқа кимдир (ўз тиббиёт муассасасидаги ёки бошқа тиббиёт муассасасидаги ходим) буни амалга ошириши учун шарт-шароит яратиб бериши керак. |
|---------------------------|--|

3-таянч хизмат. Жароҳатларни даволаш ва шошилиш тиббий хизматлар

Жисмоний ва эмоционал жароҳатларни текшириш, даволаш ва парваришlash бир вақтда ўтказилиши керак. Энг зарур стандартларга нисбатан аниқ асосий қоидаларни таъминлаш учун хизматлар бўлинади.

| Асосий элементлар | Асосий қоидалар |
|---|---|
| 3.1. Касаллик тарихи ва текшириш | <p>Гендер зўравонликдан жабрланувчида бўлган ҳар қандай ҳужжатни кўргандан кейин ва у жавоб берган саволларни такрорламаслик кераклигини ёдда тутиб, қуйидагиларни ўз ичига олган касаллик тарихини тузинг:</p> <p>касалликнинг тўлиқ тиббий тарихи; тажовуз ҳақида ахборот; жисмоний, гинекологик ва психик саломатликни баҳолаш.</p> <p>Ҳар бир савол бўйича қуйидагиларга:</p> <p>тиббий текширувга; даволашга; суд-тиббий экспертиза натижаларини тўплашга; учинчи томонга, яъни ички ишлар бўлимлари ва судга ахборот тақдим этишга асосли розилик олинг ва уни тушунтиринг.</p> <p>Агар гендер зўравонликдан жабрланувчи далил-исбот тўплашни хоҳласа, буни бажариши мумкин бўлган махсус ўргатилган хизмат кўрсатувчини (суд-тиббий экспертни) таклиф қилинг ёки унга мурожаат қилинг.</p> <p>Пухта жисмоний текширув ўтказинг; Текширувнинг ҳар бир босқичида мулоқотни йўлга қўйинг ва олдиндан рухсат сўранг; Натижалар ва кузатувни аниқ қайд этиб боринг.</p> |
| 3.2. Кечиктириб бўлмас тиббий ёрдам | Агар гендер зўравонликдан жабрланувчи ҳаёти хавф остида ёки оғир аҳволда бўлса, уни кечиктириб бўлмас тиббий ёрдам олиш учун дарҳол жўнатиш. |
| 3.3. Шошилиш бўлмаган жисмоний жароҳатларни даволаш | <p>Талаб қилинган барча жароҳатларни тозалаб ювинг; Қуйидаги дори воситаларини тайинлаш учун кўрсатмалар бўлиши мумкин: яра орқали юқумли касаллик юқишининг олдини олиш учун антибиотиклар; фаол қоқшолга қарши иммунизация ёки эмлаш; оғриқнинг олдини олиш учун дорилар; уйқусизликдан восита.</p> |
| 3.4. Ўзини парвариш қилиш бўйича режалар | <p>Текшириш ва даволаш натижалари ҳақида сўзлаб беринг; Гендер зўравонликдан жабрланувчига жароҳатни парвариш қилиш қоидаларини ўргатинг, инфекция белгилари ва аломатларини, врач буюрган нарсалар муҳимлигини тушунтиринг.</p> |

4-таянч хизмат. Шаҳвоний хусусиятга эга тажовуз юз бергандан текшириш ва даволаш

Жинсий зўравонлик аёл кишининг руҳий, жисмоний, жинсий ва репродуктив саломатлигида турли салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган жароҳат етказувчан ҳаракат ҳисобланади. Бу улар зудлик билан, баъзан эса, айниқса руҳий саломатлиги бузилганда узоқ вақт даволанишини талаб қилиши мумкин-лигини англатади.

| Асосий элементлар | Асосий қоидалар |
|--|---|
| 4.1. Касалликнинг тўлиқ тарихи | Касалликнинг тўлиқ тарихини яратинг, бунда қандай чоралар кераклигини аниқлаш учун воқеаларни қайд этинг ҳамда тўлиқ жисмоний ва гинекологик текширув ўтказинг (бошдан оёқ, шу жумладан генитал соҳасини). Касаллик тарихи қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: тажовуздан кейин ўтган вақт ва тажовуз тури; ҳомиладорлик хавфи; ОИВ ва жинсий йўл билан ўтадиган бошқа инфекциялар юқиши хавфи; руҳий саломатлик ҳолати. |
| 4.2. Шошилиш контрацепция | Шаҳвоний хусусиятга эга тажовуздан жабр кўрган шахсга тажовуздан кейин 5 кун ичида, яхшиси самаралироқ бўлиши учун тажовуздан кейин имкон қадар тезроқ шошилиш контрацепция таклиф қилинган. Тиббий хизмат кўрсатувчилар, агар бор бўлса, левоноргестрел таклиф қилиши керак. Бир марта 1,5 мл Эскапел дозаси тавсия этилади, чунки у 12–24 соат фарқи билан қабул қилинган икки дозадаги 0,75 мл Постинор каби самаралидир. Агар левоноргестрел бўлмаса, қусишга қарши дорилар бўлса, улар билан бирга эстроген-прогестоген тутувчи аралаш орал контрацептивлар билан шошилиш исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш чорасини таклиф қилиш мумкин. Агар шошилиш орал контрацепциянинг имкони бўлмаса, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олишни сўраб мурожаат қилган ГЗЖларга таркибида мис бўлган бачадон ичи воситасини таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Жинсий йўл орқали юқувчи инфекцияларни эътиборга олиб, тиббий белгилари бўйича жоиз деб топилганларнинг бачадони ичига спирал шаҳвоний тажовуздан кейин 5 кун ичида қўйилиши мумкин (ЖССТнинг тиббий белгилари бўйича мақбуллик мезонларига қаранг, 2015 йил). Агар гендер зўравонликдан жабрланувчи шошилиш контрацепция (ШК) учун зарур бўлган 5 кундан кейин мурожаат қилган бўлса, ШК ёрдам бермайди ёки аёл/қиз ному-сига тегилгандан кейин ҳомиладор бўлган бўлади. Унга миллий қўлланмага мувофиқ хавфсиз (дори-дармонлар билан) аборт таклиф этилиши мумкин (ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 312-сон буйруғи). |
| 4.3. Алоқадан кейин ОИВ юқишининг олдини олиш | Аёл/қизларга шаҳвоний тажовуз юз бергандан кейин 72 соат ичида ОИВ юқишининг олдини олишни таклиф қилиш имкониятини кўриб чиқинг. ОИВ юқишининг олдини олиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида жабрланувчи билан бирга қарор қабул қилинган. Жабрланувчи билан ОИВ юқишининг олдини олиш мақсадида ОИВ хавфини, шу жумладан қуйидагиларни муҳокама қилинган: географик вилоятда ОИВ тарқалганлиги; ОИВ юқишининг олдини олишда контактдан кейинги профилактикага чеклаш; агар маълум бўлса, жиноятчининг ОИВ мақоми ва ўзига хос хусусиятлари; тажовуз қилинган ҳолатлар, шу жумладан жиноятчилар сони; ОИВ юқишининг олдини олишда фойдаланиладиган антиретровирус препаратларнинг ноҳўя таъсири; ОИВ юқиши эҳтимоли. Агар ОИВ юқишининг олдини олиш (PEP) татбиқ этилса: дориларни имкон қадар эртароқ ва 72 соатгача қабул қилишни бошланг; дастлабки маслаҳатда ОИВ-текширув ва маслаҳатлашувни таъминланг; вақт ўтиши билан беморнинг ҳолати кузатилишини таъминланг; иккита дорини қабул қилиш схемаси (белгиланган дозалар комбинацияси ёрдамида) одатда учта дорини қабул қилиш схемасидан мақбулроқдир, ноҳўя таъсири камроқ бўлган препаратлардан фойдаланинг; дориларни ва қабул қилиш схемаларини танлаш ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 81-сон буйруғига мувофиқ амалга оширилиши керак; даволаш режимига риоя этиш бўйича маслаҳатлашув ОИВ юқишининг олдини олишда муҳим элементга айланиши керак. |
| 4.4. Жинсий йўл билан ўтадиган инфекциялар юқишининг олдини олиш | Шаҳвоний хусусиятга эга тажовуздан жабрланган ГЗЖларга кенг тарқалганига қараб хламидий, сўзак, трихомонада, сифилиснинг олдини олиш тадбирлари таклиф этилиши керак. Дори танлаш ва режим миллий қўлланмаларга мувофиқ амалга оширилиши керак. В гепатити иммуноглобулинсиз В гепатитига қарши эмлаш миллий қўлланмаларга мувофиқ ўтказилиши керак. Вакцинанинг биринчи дозасини киритишдан олдин В гепатити мақомини аниқлаш учун қон олинган. Иммунитет бўлса, эмлаш курсини давом эттириш талаб этилмайди. |

5-таянч хизмат. Рухий саломатликни баҳолаш

Жинсий муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонликка ёки жинсий зўравонликка учраган кўпчилик аёлларнинг эмоционал ёки руҳий саломатлиги бузилади. Бундай гендер зўравонликдан жабрланувчиларни аниқлаш ва даволанишида ёрдам бериш муҳимдир.

| Асосий элементлар | Асосий қоидалар |
|--|--|
| <p>5.1. Интим муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонликка учраган ва руҳий ҳолати бузилган ГЗЖларни даволаш</p> | <p>Интим муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонлик туфайли аввал ташхис қўйилган ёки руҳий ҳолати бузилган (тушкунликка тушган ёки ичкиликка ружу қўйган) гендер зўравонликдан жабрланувчилар бузилган руҳий ҳолатини даволаш бўйича психиатрик ёрдам олиши керак. Даволаш гендер зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан зўравонлик ҳақида яхши хабардор бўлган тиббий хизмат кўрсатувчилар томонидан тақдим этилиши керак.</p> |
| <p>5.2. Интим муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонликка учраган болаларнинг руҳий саломатлигини баҳолаш</p> | <p>Болалар уйда интим муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонликка учраганда уларга психотерапевтик ёрдам, шу жумладан онаси иштирокидаги ва унинг иштирокисиз сессиялар таклиф этилиши керак.</p> |
| <p>5.3. Жароҳатдан кейин 3 ой давомида шахвоний ҳусусиятга эга тажовуз юз берган ҳолларда жабрланувчиларнинг руҳий саломатлигини баҳолаш</p> | <p>Гендер зўравонликдан жабрланувчи руҳий эзилган ҳолатда бўлмаса, ичкилик ёки гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларга эга бўлмаса, ўз жонига қасд қилишга ёки тана аъзоларига зарар етказишга мойил бўлмаса, ҳар кунлик мажбуриятларини қийинчилик билан бажараётган бўлмаса, жинсий ҳужум уюштирилгандан кейин 1–3 ой кутиш тактикасидан фойдаланинг. Кутиш тактикаси гендер зўравонликдан жабрланувчига унинг аҳволи вақт ўтиши билан яхшиланиши кераклигини тушунтиришни ва мунтазам кейинги қабулларни белгилаб, кейинги ёрдам кўрсатиш учун яна бир марта келишни таклиф қилишни ўз ичига олади. Агар гендер зўравонликдан жабрланувчи номусига тегиш оқибатлари натижасида меҳнатга лаёқатсиз бўлса (яъни кундалик мажбуриятларни бажара олмаса), психолог ёки когнитив-ҳулқ-атвор терапияси (КХТ) ёки кўз ҳаракати билан десенсибилизация ва қайта ишлаш терапияси (КХДҚТ) соҳасида тажрибага эга тиббиёт ходими билан маслаҳатлашув ўтказилишини ташкил этинг. Агар гендер зўравонликдан жабрланувчи руҳий саломатлиги билан боғлиқ бошқа касалликдан азоб чекаётган бўлса (тушкунликка, ичкиликка ёки гиёҳванд моддаларга ружу қўйган, суиқасд ёки тан жароҳатлари етказиши мумкин бўлса), психиатрик хизмат бўйича миллий қўлланмага мувофиқ ёрдам кўрсатинг. Рухий саломатлик муаммоларини (кучли стресс/жароҳатдан кейин стресс ҳолатига тушиб қолиш, тушкунлик, алкоголь ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, суиқасдга ёки ўзига тан жароҳати етказишга мойиллик аломатларини) баҳоланг ҳамда тушкунликни, ичкиликка ружу қўйилганликни ва руҳий саломатлиги билан боғлиқ бошқа касалликни даволанг.</p> |

6-таянч хизмат. Руҳий саломатликни даволаш

Жинсий муносабатда бўлган эркак томонидан зўравонликка ёки жинсий зўравонликка учраган кўпчилик Гендер зўравонликдан жабрланувчилар эмоционал ёки руҳий саломатлиги бузилишидан азоб чекади. Зўравонлик ишлатиб тажоввуз қилингандан кейин ёки вазият ҳал бўлганда бу эмоционал муаммолар кўпинча барҳам топади. Кўпчилик одамлар соғайиб кетади. Муайян усуллар мавжуд бўлиб, уларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатувчилар стресс ҳолатни камайтириш ва соғайишга кўмаклашиш мақсадида гендер зўравонлик жабрланувчисига ёрдам ва методика таклиф қилиши мумкин. Шунга қарамай, айрим гендер зўравонлик жабрланувчиси бошқалардан кучлироқ азоб чекади. Бундай гендер зўравонликка учраган аёл/қизларни аниқлаш ва даволанишда ёрдам бериш муҳимдир.

| Асосий элементлар | Асосий қоидалар |
|---|--|
| 6.1. Асосий психологик ёрдам | <p>Асосий психологик ёрдам ҳужум содир бўлгандан кейин дастлабки 1–3 ойда етарли бўлади, бу билан бир вақтда руҳий саломатлик билан боғлиқ жиддийроқ муаммолар мониторинг гендер зўравонликдан жабрланувчига қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам бериш; унга ижтимоий кўмак бериш имкониятини ўрганиш; унга стрессни камайтириш машқларини ўргатиш; мунтазам назоратни таъминлаш зарур.</p> |
| 6.2. Руҳий саломатнинг жиддийроқ муаммолари | <p>Руҳий ҳолатни баҳоланг (бир вақтда текширувдан ўтказинг). Агар ўзига тан жароҳати етказиш ёки ўз жонига қасд қилиш хавфи сақланиб қолса: гендер зўравонликдан жабрланувчини ёлғиз қолдирмаслик керак; кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатиш учун уни дарҳол мутахассисга ёки муассасага жўнатиш керак. Ўртача оғир тушкунликка тушганлиги ташхиси қўйилганда: агар гендер зўравонликдан жабрланувчида камида 2 ҳафта давомида аломатлар кузатилса ва у одатий фаолият билан шуғуллана оладиган ҳолатда бўлмаса, даволаш ҳақида қарор қабул қилиш керак. Психологик маслаҳат олиш ва ўқитишни таклиф қилинг. Ижтимоий кўмак беришни кучайтиринг ва гендер зўравонликдан жабрланувчига стрессни бошқаришни ўргатинг. Имкони бўлса, тушкунликни қисқа вақт психологик даволаш учун ўқитилган ва назорат қиладиган терапевтларга йўлланма бериш имкониятини кўриб чиқинг (муаммоларни ҳал қилиш бўйича маслаҳатлашувлар, шахслараро терапия, когнитив-хулқ-атвор терапияси ёки хулқ-атворни фаоллаштириш терапияси). Антидепрессантлар қабул қилиш имкониятини кўриб чиқинг. Агар гендер зўравонликдан жабрланувчи шахслараро терапиядан, когнитив-хулқ-атвор терапиясидан ўта оладиган ёки антидепрессантлар қабул қила оладиган ҳолатда бўлмаса ёхуд у ҳақиқатдан ҳам ўз жонига қасд қилиш/ўзига тан жароҳати етказиш хавфи остида бўлса, мутахассис билан маслаҳатлашинг. Аломатларни мунтазам назорат қилишни ва мониторинг қилишни давом эттиринг.</p> |
| 6.3. Жароҳатдан кейин стресс ҳолатлар | <p>Агар руҳий ҳолат бузилиши аломатларининг муайян тўплами (юз берган воқеани такрор ва такрор бошидан ўтказиш, хавотир ва хавфни кучли ҳис этиш) воқеа юз бергандан кейин бир ой давомида сақланиб қолса, жароҳатдан кейин стресс ҳолатлар (ЖКСХ) бор-йўқлиги баҳоланиши керак. ЖКСХни бошқариш қуйидагиларни ўз ичига олади: гендер зўравонликдан жабрланувчини ЖКСХ нима эканлиги билан таништириш; ижтимоий ёрдамни кучайтириш ва стрессни бошқаришни ўргатиш; агар ўқитилган ва назоратга оладиган терапевтлар бўлса, яқка ўзини ёки гуруҳ бўлиб когнитив хулқ-атвор терапияси ёки кўз ҳаракати билан десенсибилизация ва қайта ишлаш терапияси олишга юбориш имкониятини кўриб чиқиш. Имкон қадар мутахассис билан маслаҳатлашиш. Кейинги назорат.</p> |

7-таянч хизмат. Ҳужжатлаштириш (суд-тиббий ҳужжатлар)

Тиббий хизмат кўрсатувчилар бемор билан маслаҳатлашувларнинг барча тафсилотларини қайд этиш учун касбий жавобгарликка эга. Ёзувлар бемор айтган гапларни акс эттириши, унинг сўзларини ифодалаши, тиббий хизмат кўрсатувчи кўрган нарсани ва бажарган ишни акс эттириши керак. Зўравонлик содир этилганда текширув вақтида ишончли ва тўлиқ ёзувларни юритиш жуда муҳимдир, чунки тиббий ёзувлардан судда далил-исбот сифатида фойдаланиш мумкин. Агар гендер зўравонликдан жабрланувчи суд-тиббий текширувига розилик берса, суд-тиббий эксперт кўригидан ўтиш ва маслаҳатини олиш зарурати юзага келиши мумкин. Агар улардан фойдаланиш имкони бўлмаса, тезликда ёрдам кўрсатган тиббий хизмат кўрсатувчи буёғига нима қилиш кераклигини ҳал қилиши зарур.

Ишни давом эттириш учун ЖССТнинг 2003 йилдаги жинсий зўравонлик жабрланувчиларига суд-тиббий ёрдам бўйича қўлланмасидан фойдаланиш тавсия этилади. Бу қўлланма “Одил судлов ва ҳуқуқий тартибни сақлаш” бўлимида батафсил очиб берилган “Таянч одил судлов ва ҳуқуқий тартибни сақлаш. 3-рақам: Текширув” эълони билан тўлдирилган. Қаранг: 3.3 “Тегишли ахборот ва жабрланувчилардан/жабрланганлардан ва гувоҳлардан олинган далил-исботлар” ва 3.4 “Пухта текширув ўтказилди”.

| Асосий элементлар | Асосий қоидалар |
|--|--|
| 7.1. Кенг қамровли ва ишончли ҳужжатлаштириш | <p>Тиббий ёзувларда саломатлик билан боғлиқ ҳар қандай шикоятларни, аломатлар ва белгиларни, шу жумладан жароҳатлар таърифини ҳужжатлаштиринг. Ушбу ва гумон қилинган жароҳатлар ёки бошқа ҳолатларнинг сабабини, шу жумладан ким гендер зўравонликдан жабрланувчига жароҳат етказганини кўрсатиш фойдали бўлиши мумкин.</p> <p>Гендер зўравонликдан жабрланувчидан бу ахборотни карточкага ёзиб олишга рухсат олинг.</p> <p>Унинг истагини бажаринг.</p> <p>Конфиденциаллик/махфийликни таъминлаш.</p> <p>Қайси вазиятларда махфийлик бузилиши мумкинлигини англаб етинг.</p> <p>Нима ёзаётганингизга ва қаерда ёзув қолдираётганингизга диққат билан муносабатда бўлинг.</p> <p>Ёзувларни кўриши керак бўлмаган одамлар бор жойда ҳеч нарса ёзманг.</p> <p>Кўпроқ махфийликни таъминлаш учун кодлар ёки алоҳида белгилар жорий этиш ҳақида ўйланг.</p> |
| 7.2. Суд-тиббий намуналар тўплаш ва ҳужжатлаштириш | <p>Гендер зўравонликдан жабрланувчи суд-тиббий далил-исботлар тўплашга розилик берган бўлса, ашёвий далилларни ўтказишда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун уларни тўплашнинг қўйидаги методикасидан фойдаланинг; воқеалар аралашиб қўшилиб кетишига йўл қўйманг; аввалдан тўпланг; тегишлича муомала қилинг; далил-исботларга ёрлиқни тартибли ёпиштиринг; уларнинг яхлитлигини сақланг; жараён изчиллигини таъминланг (қайта ишлаш ва ўтказиш жараёни тафсилотларини ҳужжатлаштиринг); тўпланган намуналарни ҳужжатлаштиринг</p> |
| 7.3. Ёзма гувоҳномалар бериш ва судга келиш | <p>Тиббий хизмат кўрсатувчилар хизматидан фойдаланиш имконияти бўлиши керак. Улар одил судлов тизими билан таниш бўлиши, сифатли клиник кузатувлар олиб бора олиши ва жиноят жабрланувчиларидан намунани пухта ола билиши керак.</p> |

4-илова. Жинсий (интим) шериклари ёки бошқа оила аъзолари томонидан зўравонликка учраган хотин-қизлар учун шахсий хавфсизлик режаси (шаблон)

Гендер зўравонлик жабрланувчисининг шахсий хавфсизлик режаси

(зўравонлик содир этилган ёки такрорий зўравонлик хавфи мавжуд бўлган жойга/муҳитга қайтиш зарурати тугилганида гендер зўравонлик жабрланувчиси билан биргаликда ишлаб чиқилади)

| | | | |
|-------------|-------|---|-------|
| Жабрланувчи | _____ | Хизматларни тақдим этувчи (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи/тиббий ижтимоий психологик) фамилияси, исми, лавозими | _____ |
| Сана | _____ | Қайта баҳолаш (саналар) | _____ |

- Агар менинг шахсий хавфсизлигим ёки менинг фарзандларим хавфсизлигига таҳдид туғилса, мен _____га ёки _____га мурожаат қилишим мумкин (жабрланувчи зўравонлик такрорланишини кутмаган тақдирда ҳам ўз қарорини кўрсатиши керак).
- Қариндошларим, яқинларим ёки дўстларимдан кимга ишонишим мумкин ва фавқулодда вазият ҳолати юзага келганида фарзандларим билан кимникида бир неча кун хотиржам яшашим мумкин?
- Зўравонлик ёки таҳдидли вазиятда мен: _____дан (масалан, қайси эшиклар, дераза, лифт, зинапоялар ёки аварияда чиқиш жойлари) хавфсиз чиқиш учун фойдаланишим мумкин.
- Агар менга нисбатан тазйиқ ёки зўравонлик муқаррар бўлса, мен буни осон тарқ этиш имкони бўлган хонада ёки бинода қарши олишга ҳаракат қиламан. Мен қурол ишлатилишига қулай бўлиши мумкин бўлган жойдан қочишга ҳаракат қиламан.
- Мен ўзимга нисбатан зўравонлик содир этилиши мумкинлиги тўғрисида қуйидаги шахсларни огоҳлантириб қўйишим ва хонадонимда шубҳали шовқин-сурон эшитилса, ИИБга хабар беришларини сўрашим мумкин: _____.
- Мен фарзандларим ёки дўстларимдан қийин вазиятга тушиб қолганимда менга ёрдам сўрашлари учун махфий ишора сифатида (масалан, белги, сўз) _____дан фойдаланишим мумкин.
- Агар зўравонликни содир этган шахс бошқа мен билан яшамаётган бўлса, мен уйимда ўз хавфсизлигимни таъминлаш чораларини кўришим мумкин (қулф-калит, сигнализация ва бошқалар). _____.
- Мен хавфсизлик сумкасини сақлашим мумкин (уйда/дўстимнинг уйида): _____.
- Хавф туғилганда уйдан тезда чиқиб кетишим учун менга қуйидагилар керак бўлади (хавфсизлик сумкасининг таркиби):
 - пул / нақд пул;
 - уй ва автомобилнинг қўшимча калитлари;
 - қўшимча кийим-кечаклар;
 - шахсий гигиена воситалари;
 - мобиль телефон, муҳим телефон рақамлари, телефон карталари;
 - тиббий маълумотномалар;
 - керакли ҳужжатлар (паспорт/шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат, тиббий карта ва маълумотномалар, фарзандларнинг ҳужжатлари ва бошқалар);
 - болаларимнинг сеvimли ўйинчоқлари;
 - бошқалар _____.

Хизмат тақдим этувчи менга қуйидагиларни маълум қилди:

- Мен зўравонликни содир этган шахсни тажовузкор хатти-ҳаракатига жавобгар эмасман, лекин ўзим ва болаларимнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўра оламан.
- Мен бундан яхшироғига муносибман: мен ва менинг фарзандларим осойишта ва хавфсиз ҳаёт кечирishга ҳақлимиз.
- Зўравонлик жиноят ҳисобланади, мен бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилишим мумкин.
- Вақтинчалик химоя ордерларни олиш тартиби мавжуд, мен уни қандай олишни биламан.
- Мен ёрдам олишим мумкин бўлган жойлар бор: _____.

Хизмат тақдим этувчи менга қуйидаги ёрдам кўрсатувчи муассасалар билан муаммони ҳал этиш бўйича ҳамкорликда иш олиб боришни давом эттириш таклифини берди, мен рози бўлдим: _____.


5-илова. Гендер зўравонлик жабрланувчиларини бошқа хизмат тақдим қилувчиларга йўналтириш мумкин бўлган ташкилот ва муассасалар каталоги/маълумотлар базаси

| № | Хизмат турлари* | Ташкилот/ муассасанинг мулкчилик шакли (давлат/ нодавлат) | Ташкилот номи | Ташкилот томонидан кўрсатиладиган ёрдам турлари | Боғланиш учун манзил/ телефон/ масъул шахс |
|-----|--|--|---------------|---|--|
| 1 | Ижтимоий ёрдам | | | | |
| 1.1 | | | | | |
| 1.2 | | | | | |
| 2 | Ҳуқуқий ёрдам | | | | |
| 2.1 | | | | | |
| 2.2 | | | | | |
| 3 | Тиббий ёрдам | | | | |
| 3.1 | | | | | |
| 3.2 | | | | | |
| 4 | Гуманитар/молиявий ёрдам | | | | |
| 4.1 | | | | | |
| 4.2 | | | | | |
| 5 | Бандлик/иқтисодий имкониятларнинг кенгайтиши | | | | |
| 5.1 | | | | | |
| 5.2 | | | | | |
| 6 | Психологик ёрдам | | | | |
| 6.1 | | | | | |
| 6.2 | | | | | |

*хар бир кичик бўлимда алоҳида хизматлар турларини кўрсатиш мумкин. Мисол: “Ижтимоий ёрдам” бўлимида алоҳида “хавфсиз вақтинчалик бошпана”, “жабрланувчининг болаларининг таълими” ва бошқа.

1-расм.

Соғлиқни сақлаш тизими нуқтаи назаридан бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ҳамжамият ва идоралараро хатти-ҳаракатларни шай ҳолга келтириш.



Муҳаррир: У. Раджабова
Дизайн ва компьютерда тайёрловчи: А. Холматов


Босишга рухсат этилди 16.04.2021 й. Бичими 60x90 1/8.
«Myriad Pro» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Босма табоғи 6,0.
Адади 8 000 нусха.

Нашриёт уйи «BAKTRIA PRESS»
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25
Тел.: +998 (71) 233-23-84
e-mail: baktriapress@gmail.com

MEGA BASIM МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.
www.mega.com.tr

ISBN 978-9943-7109-2-4

ISBN: 978-9943-7109-2-4



9 789943 710924